

Ўзбекистон  
“Маҳалла”  
хайрия  
жамоат фонди



“Маҳалла зиёси”  
республика  
ўқув-услубий  
маркази

# ОИЛАДА МАЪНАВИЙ – АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

МК

МАҲАЛЛА КУТУБХОНАСИ

Тошкент – 2015

**“Маҳалла зиёси” республика ўқув услубий маркази.**  
Оилада маънавий-ахлоқий тарбия. Оммабоп рисола. – Т.: 2015 й. – 72 б.

**Нашр учун масъул: Ж.Иноғомов**

**Тақризчилар:** **О.Парпибаева**, Ўзбекистон Хотин-кизлар кўмитаси раисининг ўринбосари.  
**А.Раҳмонов**, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти лойиҳа раҳбари.  
**Ҳ.Мамадалиева**, Республика “Оила” илмий-амалий маркази раҳбари в.б.

Мазкур оммабоп рисола Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгашининг 2015 йил 7 майдаги 1-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган “2015 йилда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини янада оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар Дастури”нинг IV йўналишида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Унда Марказий Осиё мутафаккирларининг ахлоқ, одоб ва оила ҳақидаги қарашлари, оилада маънавий тарбия, инсонпарварлик тарбияси, медиатаҳдидларнинг олдини олишда оиланинг ўрни, оилада маънавий-ахлоқий тарбиянинг уйғунлиги каби бугунги кунда фарзандлар тарбиясида муҳим бўлган масалалар ўз аксини топган.

Рисола “Маҳалла зиёси” республика ўқув-услубий маркази қошидаги Илмий-маслаҳат кенгашининг 2015 йил 8 октябрдаги 3-сонли йиғилиш қарори билан нашрга тавсия этилган.

## КИРИШ

*“Аёлларимизнинг турмуш шароитини энгил қилиш борасида биз учун майда нарсанинг ўзи йўқ ва бўлмайди ҳам. Аёлнинг кайфияти яхши бўлса, аёл ҳаётдан рози бўлса, оила ҳаётдан рози бўлади. Агар оила рози бўлса, маҳалла, бутун эл-юрт рози бўлади”.*<sup>1</sup>

**Ислом Каримов**

Шахсни маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаб, вояга етказишнинг энг асосий бўғини бу оиладир. Тўғри шаклланган инсон жамиятга тўғри ва адолатли муносабатда бўлади, ўз халқининг миллий қадриятларини ҳам эъзозлайди ва ўзлигини ҳеч қачон унутмайди.

Оила тарбия тизимидаги шундай бўғинки, бутун жамиятнинг, миллатнинг бугунги кунини ва келажакни унинг қандай ташкил этилиши, оиладаги ижтимоий-маънавий муҳитга боғлиқ.

Муҳтарам Юртбошимиз томонидан ўтган йилларга алоҳида ном берилиши, жумладан 1998 йил – Оила йили, 1999 йил – Аёллар йили, 2000 йил – Соғлом авлод йили, 2001 йил – Оналар ва болалар йили, 2012 йил – Мустақкам оила йили, 2013 йил – Обод турмуш йили, 2014 йил – Соғлом бола йили ва 2016 йилнинг Соғлом она ва бола йили деб эълон қилиниши, аввало оилага ва аёлларимизга бўлган эътибор, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, қурилажак оилаларга замин яратиш, жамиятимизнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада ривожлантириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган барча ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, жисмонан соғлом, маънан етук ва ҳар томонлама ривожланган баркамол авлодни тарбиялашда оиланинг

---

<sup>1</sup>И.А.Каримов. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажакни йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. – Т.: “Ўзбекистон”, 2015, 227-б.

ролини ошириш, маҳалланинг мавқеини мустаҳкамлаш ва шу асосда бутун мамлакатимизда оила барқарорлигини таъминлаш сингари улкан мақсадларга қаратилган.

Оила “аёл” сўзи билан ўзакдош бўлиб, аёлга бўлган эътибор – бу оилага бўлган эътибордир. Кўплаб буюк инсонлар оилада, оналаримиз кўлида униб-ўсиб, тарбия топган. Оилалар, қолаверса жамиятнинг тараққиёт даражаси маълум маънода аёлларга бўлган муносабат билан белгиланади.

Таъкидлаш жоизки, жамиятдаги маънавий-ахлоқий муҳитнинг соғломлиги кўп жиҳатдан оилавий маданият ҳамда маҳаллаларда олиб бориладиган тарбиявий ишларга боғлиқдир. Илмий-педагогик, психологик, фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, оила бола учун энг муҳим тарбиявий муҳит бўлиб, бу муҳитда шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода ва дунёқараш шаклланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмонан ва руҳан соғлом қилиб тарбиялаш, жамият раванқ топишида оиланинг тугган ўрни ва иштирокини янада ошириш, оилада маънавий-ахлоқий тарбия масалаларига йўналтирилган чора-тадбирлар кўламини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Оилани қадрият сифатида тавсифлаш ва жамият ҳаётидаги нуфузини таъкидлаш билан биргаликда, унинг ривожланиш омилларини ўрганиш, айниқса, оилада маънавий-ахлоқий тарбия ишини мунтазам олиб бориш катта аҳамиятга эга бўлган долзарб масаладир.

Оилада ота-оналарнинг билимини мустаҳкамлаш орқали баркамол авлодни тарбиялаш, бу борадаги масъулиятни янада ошириш, оилада ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш масалаларида маҳалла фуқаролар йиғинидаги “Ота-оналар университетлари”нинг ўзига хос вазифаларини эътироф этиш жоиз. Бунда ота-оналарнинг ёш авлодни тарбиялаш бўйича ҳуқуқий,

маънавий-ахлоқий, психологик, педагогик ва физиологик билимларини оширишга қаратилган тадбирларни амалга ошириш устувор вазифа этиб белгиланган. Айниқса, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар билан ишлаш, маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигига салбий таъсир кўрсатувчи ҳолатлар (жиноятчилик, жумладан хотин-қизлар ва ёшлар ўртасида жиноятлар, нотинч оилалар, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, вояга етмаган қизларни эрта турмушга бериш кабилар)нинг олдини олиш: оилаларни мустаҳкамлаш ва барқарорлигини таъминлаш, фарзандларни тарбиялашнинг сир-синаотлари ва илми-ҳадисини эгаллашда ота-оналарга ёрдам кўрсатиш, оилада соғлом муҳитни таъминлашга кўмаклашиш каби ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шунингдек, маҳаллалардаги “Оила-маҳалла-таълим муассасаси” ҳамкорлиги механизмларини кучайтириш, оилалар, ота-оналар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг таълим муассасалари билан ҳамкорлигини тизимли йўлга қўйиш ва бу борада давлат ва жамоат ташкилотларининг фаоллигини ошириш мақсадга мувофиқ.

Албатта, ҳар бир оила истиқомат қиладиган макон маҳалла бўлиб, у айна пайтда миллий қадриятлар маскани ҳамдир. Бугунги кунда “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она” деган ҳикматли нақл фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи ҳисобланмиш маҳаллалар мисолида тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Президентимиз таъкидлаганларидек, **“Энг муҳими, Она ва бола соғлом бўлса, оила бахтли бўлади, оила бахтли бўлса, жамият мустаҳкам бўлади”** деган ҳаётбахш ғоя ҳар бир юртдошимизнинг қалбига чуқур кириб бориши, ана шу улуғ ишга муносиб ҳисса қўшиш барчамизнинг муқаддас вазифамизга айланиши лозим”.<sup>2</sup>

---

<sup>2</sup>Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги bosқичга кўтаришдан иборат. // Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.

## 1-§. Халқимиз маданий меросида:

### ОИЛА – МУҚАДДАС ҚЎРҒОН

Маълумки, ёш авлод тарбиясида оиланинг ўрни бекиёсдир. Фарзанд тарбияси оиладан бошланади. Оила боланинг жисмоний камолотидагина эмас, балки маънавий камолга етишида ҳам муҳим восита бўлиб хизмат қилади.

Шу билан биргаликда, аҳоли, айниқса ёшлар орасида ғоявий-мафкуравий ишларни такомиллаштириш, лоқайдлик, бепарволик, миллий кадриятларимизга беписандлик каби тубан ижтимоий иллатлар жамият ва давлат учун ғоят зарарли эканлигини тушунтириб беришда Президент Ислом Каримовнинг **“Ғояга қарши ғоя, фикрга қарши фикр, жаҳолатга қарши маърифат”** тамойилини ёшлар онгига сингдириш, Ватанини чин дилдан севадиган, халқимиз равнақини ўйлайдиган, ҳар томонлама баркамол авлод қилиб шакллантиришда **“Оила-маҳалла-таълим муассасаси”** ҳамкорлигининг ўрни муҳимдир.

Маълумки, қадим замонлардан бошлаб оила, ундаги ахлоқ, одоб масалалари ҳар бир даврнинг, жамиятнинг энг илғор кишилари, олимлар, шоирлар, буюк алломалар ва донишмандларнинг асосий диққат марказида бўлиб келган. Шаркнинг буюк алломалари Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошғарий, Кайковус, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур, Ризоуддин Ибн Фаҳриддин, Муқимий, Фурқат, Завқий, Увайсий, Нодира, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат каби кўплаб олим ва ёзувчилар оила, одоб-ахлоқ масалалари юзасидан ўзларининг қимматли фикрларини бизларга баён қилиб кетганларки, улар ҳозирги ҳаётимиз учун ҳам катта ижтимоий ва мафкуравий аҳамиятга эга. Юқорида зикр этилган бобокалонларимизнинг асарларида оила ва оилавий муносабатларга алоҳида эътибор қаратилган.

Бинобарин, туркий халқларнинг қадимги ёдгорликларидан бири бўлган “Авесто”да оила инсон саломатлиги, камолотининг манбаи, шунингдек муқаддас даргоҳ сифатида қадрли эканлиги, фарзанд тарбияси, оила барқарорлигида эр ва хотиннинг тенг даражада масъуллиги ҳақидаги илғор фикрлар баён этилган.

Жумладан, асарнинг бош қаҳрамони Зарадуштранинг заминдаги энг муҳтарам гўша қайси гўша? – деган саволига яхшилик ва эзгуликлар худоси бўлмиш Ахура Мазда:

“Агар инсон уй тиклаб, оловга ва оиласига, хотини ва фарзандларига, молларига ўрин ажратиб берса, ем-хашаги кўп бўлиб, чорваси ва итлари тўқ яшаса, уйда ноз-неъматлар мухайё бўлиб, хотини ва фарзандлари фаровон яшаса, уйда эътиқоди собит, олови алангали, бошқа нарсалари ҳам мўл-кўл бўлса, ўша манзил муҳтарамдир” – деб жавоб беради.

“Авесто”да инсоний бурч фақат ахлоқий йўл-йўриқларни ўзлаштиришдан иборат бўлибгина қолмасдан, балки инсон оилавий турмуш, яхши ёр ва фарзанд тўғрисида ҳам ўйлаши зарурлиги таъкидланади<sup>3</sup>. Унда қайд этилишича, эркак киши, аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва жисмонан бақувват бўлиши лозим. Бунинг учун ўз вақтида овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва ахлоқий бурчларини бажара олмайди.

Умуман, зардуштийликда оилавий бурч ва фарзанд тарбияси алоҳида ўрин тутди. Борди-ю эркак киши зурриёд қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босишар ёки белига занжир боғлаб юришга мажбур қилишарди. Баъзан бундай эркакни қопга солишиб калтаклашган. “Авесто”да қариндошларнинг ўзаро оила қуриши ман этилган. Қавм ва уруғ қонини тоза, авлодни бенуқсон сақлаш учун шундай қилинган. Кўп

---

<sup>3</sup> А.Маковельский. Авесто. Баку, 1960. 80 – 81-б.

болали оилаларга нафақа тайинлаш лозимлиги қайд этилган<sup>4</sup>.

Юкоридаги фикрлардан кўринадики, оила – бу қадим замонлардан буён ҳаёт давомийлигини таъминлаб келаётган манба. Оиласиз кишилик жамиятини тасаввур этиб бўлмайди.

Буюк мутафаккир, қомусий алломаларимиздан бири Абу Наср Фаробий Яқин ва Ўрта Шарқ халқларининг маънавияти ҳамда маданияти ривожига бебаҳо ҳисса қўшди. Ахлоқий тарбия ва одоб-ахлоқнинг назарий масалаларини тадқиқ этиш мутафаккир ижтимоий қарашларининг энг муҳим қисмидир. Фаробий инсон ахлоқи ва одоби хусусида фикр юритар экан, у ахлоқнинг шаклланишини жамоавий меҳнат билан биргаликда тасаввур қилади. Унинг фикрича, биргаликда меҳнат қилиш жамиятни вужудга келтирганидек, ахлоқни ҳам жамоавий меҳнат яратади. Фаробий бахт тушунчасини кишиларнинг турмушдаги саодатга эришуви деб тушунади. Унингча, “Бахтга эришиш учун фойдали бўлган ҳамма нарса ва бахтга эришилишида ишга солинадиган ҳамма нарса яхшиликдир ва бахтга бирон-бир даражада тўскинлик қиладиган ҳамма нарса мутлақо ёмонликдир”<sup>5</sup>.

Фаробий ахлоқнинг билим билан муштараклигини асослаб беради. Алломанинг таъкидлашича, билим инсонни яхши хулқли, саховатли ва ақл-идроқли қилади. Инсон билимсиз ўзи кўзлаган мақсадига эриша олмайди, - деб таъкидлайди. Инсон бахт-саодатга эришмоғи учун инсоний фазилатларнинг мазмун-моҳиятини ҳам англаб олмоғи зарур. Фазилат аллақандай мавҳум тушунча эмас, балки инсоннинг инсон бўлиб камол топиши жараёнидаги амалий ишлари билан ўлчанадиган алоҳида маънавий-ахлоқий хусусиятидир. Инсонни яхши хайрли ишлар қилишга, гўзал хулқ-атвор соҳиби бўлишга даъват этувчи маънавий-ахлоқий хусусиятлар фазилатлар деб аталади.

---

<sup>4</sup>Х.Ҳомидов. “Шоҳнома”нинг шухрати. – Т.: “Ўзбекистон”,1991. 93–94-б.

<sup>5</sup>М.Хайруллаев. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. – Т.: “Фан”,1963.



Эътироф этиш жоизки, Фаробийнинг бахт ҳақидаги таълимоти ўрта асрнинг илғор таълимотларидан бири бўлиб, унинг асосий фикрлари манфаатларимиз, бойликларимиз ва идеалларимизнинг энг мукамал тимсолларини излашга қаратилган эди. Мутафаккирнинг таъкидлашича, бу дунё кишиси ўз ҳаётида аслида бахт деб аталувчи энг юксак камолотга эришиш учун яратилган. Бахт – киши ўзи учун излайдиган неъматдир. Асосий нарса шу дунёдаги реал ҳаёт шароитида эришилган бахтдир. Бундай бахтга ҳам ақлий ва ҳам жисмоний эркин ҳаракатлар билан эришилади, ҳар қандай ҳаракатлар йўли билан эмас, балки (тенг-баравар) меъёрий ва муайян ахлоқ-одоб ва одатларга мувофиқ тарзда муайян ва бир меъёрдаги ҳаракатлар йўли билан эришилади.

Чинакам бахтга эришиш учун қилинадиган ишларда кишилар бир-бирларига ёрдам бериш ниятида бирлашган шаҳар саховатли шаҳар ва бахтга эришиш ниятида кишилар бир-бирига кўмаклашадиган жамият саховатли жамиятдир, деб таъкидлайди Фаробий.

Инсонни хунук хулқ-атвор, хатти-ҳаракатларга даъват этувчи иштиёқлар разолат дейилади. Разолат инсондаги камчилик ёки нокасликларнинг ифодасидир.

Фаробий давлатни ҳар томонлама етук ўзида энг яхши инсоний фазилатларни жо қилган кишилар ёрдамида идора этиш зарурлигини қайд этади. Шунингдек, у ҳар томонлама етук аҳолини илм-маърифатга олиб борувчи фозил одамлар жамоаси ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини илгари суради.

Унинг фикрича, агар инсон фақат ўзи учунгина меҳнат қилса, у айтайлик, атоқли олим, буюк донишманд, ажойиб шоир бўлиши мумкин, аммо ҳеч қачон чинакам мукамал ва улуғ инсон бўла олмайди. Тарих умумий мақсад йўлида меҳнат қилиб, ўзлари янада олижаноброт бўлиб қолган кишиларни буюк кишилар деб тан олади; тажрибада энг кўп кишиларга бахт келтирган киши энг бахтиёр киши ҳисобланади.

Буюк ақл-заковат соҳиби Абу Райҳон Беруний ўзининг 150 дан зиёд асарларида инсон ҳаётидаги табиий ҳамда ижтимоий-иқтисодий масалаларни қамраб олган.

Берунийнинг изоҳлашича, шахснинг маънавий киёфаси у бошқа одамлар билан мулоқотда бўладиган жамиятда шаклланади. Инсон жамиятда ўз қариндош-уруғлари билан бирлашиб яшашга мажбурдир, бундан мақсад бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳар бир кишининг ҳам ўзини, ҳам бошқаларни таъминлаш учун керакли ишларни бажаришидир.

Одам ҳамма вақт бошқаларнинг бахт-саодати ҳақида, муайян вазифаларни бажариш зарурлиги ҳақида ўйлаши лозим. Мутафаккирнинг фикрига кўра, мурувватли киши одамларга хайрихоҳ, ҳалол ва ҳақгўй бўлади. Беруний мулозамат, раҳмдиллик, қатъият, сабр-тоқат ва камтарликни юксак ахлоқли инсоннинг асосий хислатлари деб билади. Мутафаккир мурувватлилик деганда, энг аввало инсоннинг ахлоқий камолотини тушунади.

Беруний ўз асарларида оғир нуқсонларни – зикналик, ёлғончилик, мунофиқлик, хушомадгўйликни, айниқса кишиларнинг ўз билимларига, қобилиятлари ва ахлоқий хислатларига мувофиқ бўлмаган юксак мавкени эгаллашга интилишларини қаттиқ қоралайди.

Ахлоқан мукамал киши, деб уқтиради Беруний, лаззат меъёрини билади. Аммо шундай кишилар борки, уларнинг талаб-эҳтиёжлари чексиз бўлиб, уларда “дунёнинг кўрки беҳузур, унинг гўзалликлари эса - хунук” бўлиб туюлади. Ҳақиқий одам шахсий ва ижтимоий ҳаётни ақл-идрок ва адолат талабларига мувофиқ тарзда ташкил этиши лозим. Зеро (одам) эриша борган сари ортиб борадиган интилиш(гина) чинакам роҳат бахш этади. У (одам) ана ўшандагина (илгари) билмаганига тушуниб этади.

Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги бир бўлгандагина у ҳақиқий камолотга эришади. Муаллиф озодалик ва орасталик олижанобликнинг ўзагидир деб

уктиради. Юксак маданиятли киши бўлган Беруний инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси тўғридан-тўғри унинг ахлоқий қиёфасига боғлиқлигини уқтиради. Шунга асосан, у тишни ювиш, кўз ва қовоқларни тоза тутиш, уларга сурма қўйиш, сочни эса зарур бўлганда, бўяш, тирноқларни олиб туриш ва силлиқлаш лозимлиги ва ҳоказоларни таъкидлайди.

Мутафаккирнинг фикрича, агар инсон ахлоқ-одобли бўлишни истаса, юриш-туриш ва ҳаёт кечиришнинг, маданиятнинг барча унсурлари, меъёрларига риоя қилиши лозим. Шундай бўлиш, аввало, унинг ўзига боғлиқ, чунки инсон ўз эҳтиросларига ҳукмрон ва уларни ўзгартиришга қодирдир, у ўз жони ва танини тарбиялар экан, уни маънавий шифокорлик билан даволаши ҳамда аста-секин ахлоқ ҳақидаги китобларда кўрсатилган усуллар билан иллатларни бартараф этиши зарур.

Беруний оила ва никоҳ муносабатларининг жуда нозик томонларини ахлоқий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан тадқиқ қилар экан, оиланинг мустаҳкам ва тинч-тотув бўлиши, эр-хотиннинг аҳиллиги, ширинсўзлиги бир-бирига бўлган меҳр-оқибатига боғлиқ, деган хулосага келади. Айниқса, унинг ёшларга қарата айтган қуйидаги пурмаъно насихатлари ғоят муҳим бўлиб, бугунги кун ёшлари учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга:

“Эй, қизим, сен ўрганган уйингдан кетиб, нотаниш хонадонга тушмоқдасан. Сен бўлажак куёвингнинг ҳамма хислатларини билмайсан. Сен ер бўл, у осмон бўлади. Сен у билан шундай йўл тутки, унинг олдида ер каби камтар бўлсанг, у осмон каби олижаноб бўлади. Осмон шифоли ёмғири билан ерни кўкартиргани каби, у ҳам ўз меҳр-шафқати билан сени хушнуд этади.. .

Эринг сендан ширин ва юмшоқ сўзлар эшитсин. Ярамайдиган ёки эски либосда, ёки сочларинг тартибга солилмаган ҳолда, унинг олдида ўтирма. Ширин сўзли бўлгин, бу ишинг ҳар қандай сеҳр-жодудан яхшидир.

Сувдан тез-тез фойдалангин. Ўзинга хушбўй нарсалар билан оро бер. Покизалик ҳамиша йўлдошинг бўлсин”<sup>6</sup>.

Беруний ўз устозлари изидан бориб, инсонлар ўртасида ўзаро бир-бирини тушуниш, тенглик ва бошқарувдаги адолатни ҳимоя қилиб чиқдики, бу қарашлар бизнинг давримизда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ.

Оилавий муносабатлар ва ижтимоий соҳага оид фанлар тизимида буюк мутафаккир, дунё халқлари тафаккури хазинасидан тиб илмининг билимдони сифатида жой олган аллома Абу Али ибн Синонинг (бу сўздан *ибн Сино*→*авиценна*→*медицина* келиб чиққан) ўзига хос қарашлари мавжуд. Унинг педагогик ва психологик қарашлари, ижтимоий асосга қурилган бўлиб, у бола тарбиясида умуминсоний тамойилнинг қўлланилишини ёқлаб чиққан ва тарбиячи ота-оналарга болани қаттиқ тана жазосидан кўра, шахсий ибрат орқали тарбиялаш маъқуллигини уқтирган.

Ибн Синонинг “Тадбири манзил” асарининг катта бир боби оила ва оилавий тарбия масалаларига бағишланган. У оила бошлиғи олдида катта талаблар қўяди, фарзандларни бир-бирига меҳрибон қилиб тарбиялаш ҳақида фикр юритади. Шароит қандай бўлишидан қатъи назар, бола тарбияси ота-оналарнинг вазифасидир. Ибн Сино ўз асарларида ота-она давлат бошлиғими ёки жамиятнинг оддий бир аъзосими барибир бола тарбияси масаласида уларга бир хил талаб қўйилади, деган ғояни илгари суради.

Аллома бола тарбиясининг қийин ва мураккаб иш эканини чуқур ҳис этади. Бола ахлоқининг шаклланишида, дейди у эр-хотиннинг бир-бирига бўлган муносабати, бир-бирини ҳурмат қилишлари ижобий таъсир кўрсатади. Бунинг учун оила аъзоларининг ҳар бирига маълум вазифалар юклатилган бўлиши, эркак кишининг оилага

---

<sup>6</sup>Х.Бобоев, С.Ҳасанов. Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари// “Ҳаёт ва қонун” журнали. 1996 йил, 3-сон.

бош бўлиши ва зарур талабларни бажариши, агарда бирор нарсани ваъда қилган бўлса, ваъдасининг устидан чиқиши лозимлигини таъкидлайди. Боланинг мустақил овқатланиш даври бошланиши билан ота унинг ахлоқий тарбиясига киришуви зарурлигини, мақсадга эришиш учун тарбияда болани баъзан мақташ, баъзан жазолаш ҳам кераклигини айтади.

Ибн Сино яшаган даврда аёллар ҳақида ёки уларнинг манфаатлари нуқтаи назаридан ижобий фикрлар айтиш қанчалик қийин бўлишига қарамай, у аёлларнинг оила ва жамиятда тутган ўрнига катта аҳамият беради, ижодий ишларида оқила аёлларни кўкларга кўтариб мактайди. Унингча, агар аёл ақлли бўлса, ўз эрининг ишончли дўсти ва ҳаётда энг биринчи ёрдамчиси бўлади, бевафо эрхотинлар эса оилани ҳалокатга олиб боради.

Ибн Сино оилада тўғри тарбияни олиб бориш, оила бахтининг муҳим асоси деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, оилада отанинг табиатан юмшоқ бўлиши бола табиатини бузади. Оилада бош тарбиячи отадир ва отанинг қаттиққўл бўлиши болалар тарбиясида муҳимдир, чунки ота катта таъсир кучига эгадир. Муаллиф мазкур асарнинг “Аёлларнинг яхши сифатлари” бўлимида оналарнинг оилада босиқ, доно, ҳалол ва камтар бўлишлари ҳамда бола тарбиясида отага энг яқин кўмакдош бўла олишлари оила мустаҳкамлигини сақлашда катта ёрдам беришини таъкидлайди.

Алломанинг “Тиб қонунлари” китобида эса бола тарбиясидаги онанинг вазифалари алоҳида кўрсатиб берилган. Бола камолотида онанинг мумкин қадар сипо, вазмин ва босиқ бўлиши кераклиги, ундаги ғазабланиш, қайғуриш, кўркиш каби руҳий кечинмалар болага зарар келтириши таъкидланган.

Ибн Сино оила бошлиғи олдиға қатор талабларни кўяди. Оила бошлиғи, деб ёзади у, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан оилада тарбия масалаларини мукаммал ўзлаштирмоғи лозим. Агар оила бошлиғи тажрибасиз

бўлса, у ўз аъзоларини яхши тарбиялай олмайди, охир оқибат у яхши ижобий натижаларга эриша олмайди, ёмон тарбия нафақат ушбу оила, балки қўшниларга, маҳалла-қўйга ҳам ёмон таъсир қилиши мумкин. Оилада бола тарбияси ота-онанинг жамиятда тутган мавқеидан қатъи назар, уларнинг бирламчи вазифасидир. Донишманд меҳнат тарбияси борасида фикр юритар экан, жумладан куйидагиларни таъкидлайди:

Ҳар бир болани бирор хунарга ўргатмоқ шарт, ёш йигит бирон хунарни ўрганса, уни ҳаётда татбиқ эта олса ва мустақил хунари туфайли оилани таъминлайдиган бўлсагина, отаси уни уйлантириб қўймоғи лозим, дейди. Демак, алломанинг оила қуриш учун зарур ижтимоий ва иқтисодий етуклик ҳақидаги фикрлари, айниқса ёш оила ва оила қурувчилар учун муҳим аҳамият касб этади. Сабаби, оиланинг мустақамлиги ва бахтли бўлиши айнан оила қурувчиларнинг ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий жиҳатдан етукликларига ва кўпроқ, йигитнинг оила қуришга тайёргарлигига боғлиқдир.

Ўзига хос тафаккур соҳиби бўлган, сўз мулкининг султони, буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг турмуш маданияти, одоб-ахлоқ, севги-муҳаббат борасидаги қарашлари бу борада алоҳида ўрин тутаяди. Аллома ўзининг “Маҳбуб-ул қулуб” (яъни “Қалбларнинг маҳбубаси”) асарида биз учун қимматли бўлган ўғитларини баён этиб, турмуш ва оилавий ҳаётдаги турли вазиятлардан чиқишга имкон берувчи фазилатлар ва уларни тарбиялаш масалаларига эътибор қаратади ва аёл кишининг оилада тутган ўрни хусусида, жумладан шундай дейди:

Яхши хотин – оиланинг давлати ва бахти. Уйнинг озодалиги, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан, хуснли бўлса, кўнгил ёзиғи, хушмуомала бўлса, жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзғорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар саранжом туради. Киши бу каби жуфти ҳалол билан қовушса, агар бундай бахтга эришса, ғам ва кулфатда сирдошга, ошкор ва пинҳоний дард-аламда

ҳамнафас тан маҳрамига эга бўлади. Турмушда бошингга ҳар қандай жафо тушса, ҳамдардинг у, тескари айланувчи фалақдан ҳар бало келса, кўмакдошинг у. Кўнглингга ғам юзланса, у ҳамроҳ, баданингда хасталик ва заифлик келса, унинг ҳам жони ҳалак, аммо худо кўрсатмасин, номувофик хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор чекади ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аччиқ бўлса, барчанинг дилини яралайди, покиза бўлмаса, эрига юзи қоралик келтиради.

Шарқ халқлари тарихи ва маданиятига, умуман, таълим-тарбияга оид ўнлаб асарлар ёзган маърифатчи олим Ризоуддин ибн Фахруддин ўзининг “Оила” асарида аёллар хусусида шундай фикрларни баён қилади:

“Оиланинг асл устун – хотиндур. Зеро, эркаклар хулқу тарбия хусусида хотинлардан бошқа ҳеч бир кимсага бўйсунмаслар. Хатто, буюк мактабларда олий фикрли одамлар ҳузурида илм олувчилар ҳам оналаридан олган тарбиялари билан яшарлар ва бу тарбияни сўнги кунларига қадар сақларлар. Шу сабабдан ҳам файласуфлардан бири: – инсонлар ҳар вақт хотинлар истагани каби бўлажаклар, агарда буюк ва фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотунларга буюклик ва фазилат ўргатингиз, - демишдир.

Тарбияли хотин ота-онасини, эр ҳамда боласини, бутун оила хулқини, оилага муносабатли бўлган дўсту кўшниларини, ходиму ходималарини тарбия-ю, ҳусну хулқи билан мамнун қилур. Ўзи ҳам бахтли ўлароқ умр сурур. Аммо тарбиясиз хотин бунинг аксини қилиб, ота-онасини, эру боласини эл масхарасига қолдирур. Ўзи ҳам бахтсиз ўлароқ яшар, болаларини тарбиясиз қолдириб, умрларини барбод қилур. Натижада, қизлик ва оналик каби дунё ва охираат неъматларидан ҳам маҳрум бўлур.

Бир инсон нақадар бою, нақадар мартаба соҳиби бўлса-да, унинг тарбияли хотини бўлмаса, у бахтли эмас. Зеро, бахт оиласи ичида роҳатли умр кўрмақдан иборат

бўлиб, оила ичида роҳат кўрмаган инсон оила ташқарисида ҳам роҳат кўра олмас. Шу сабабдан ҳам хотинларнинг тарбияли бўлишлари зарур ва бунинг фойдаси ҳам бутун миллатга мансуб бўлур”.

Дарҳақиқат, оила бизнинг халқимиз ҳаётида муқаддас маънавий кўрғон даражасига кўтарилган. Бирор бир ёзувчи ёки адиб йўқки, бу тушунчага тўхтаб ўтмаган бўлсин, бирор бир шоир йўқки, оила ҳақида ашъор битмаган бўлсин. Жумладан, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Кайковус ибн Искандарнинг “Қобуснома”, Алишер Навоийнинг “Маҳбубул қулуб”, “Арбаъин”, Ризоуддин ибн Фахруддиннинг “Оила”, Абдурауф Фитратнинг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари”, Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Ҳифзи сихати оила” (Оила соғлигини муҳофаза қилиш), Абдулла Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби асарлари ва бошқа кўплаб бадиий, илмий адабиётлар бу борада биз учун бебаҳо маънавият хазинасидир.

Ўзбек педагогикасининг ривожига катта хисса қўшган, маърифатпарвар ёзувчи Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида шахс, ахлоқ-одоб, оила муносабатлари ҳақида, жумладан кўйидагича фикр юритади:

“Ахлоқ, бу – хулқлар мажмуи. Хулқ эса, эзгулик ёхуд разилликнинг муайян бир инсонда намоён бўлиш шакли. Бинобарин, ҳар бир хулқ эзгулик ва олижанобликнинг ёки разиллик ва бадбинликнинг тимсоли. Шу жиҳатдан улар яхши ва ёмонга бўлинади. Лекин булар кишида ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Уларнинг шаклланиши учун маълум бир шароит, тарбия керак. Кишилар туғилишидан ёмон бўлиб туғилмайдилар. Уларни муайян шароит ёмон қилади. Демак, ҳамма нарса тарбияга боғлиқ. **Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир.**”

Авлоний тарбия доирасини кенг тушунади. Уни биргина ахлоқ билан чегаралаб қўймайди. “Соғ танда



соғлом ақл” деган ҳикматнинг бежиз эмаслигини яхши билади. Гапни, биринчи навбатда, боланинг соғлиги ҳақида қайғуриш лозимлигидан бошлайди.

Баданнинг саломат, қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадур. Чунки ўқимок, ўрганмоқ ва ўргатмоқ учун инсонга кучли, бақувват ва соғлом жасад лозимдур.

Таниқли адабиётшунос Абдурауф Фитрат ўзининг “Оила ёки оила бошқариш тартиблари” номли асарида оила, оила қуриш ва уни бошқариш, оилада фарзанд тарбияси билан боғлиқ масалалар юзасидан қимматли фикрларни билдиради.

Абдурауф Фитратнинг ушбу асарида оила – бир неча одамлардан иборат жамоа деб аталган. Оиланинг тинчлиги ва тараққиёти мамлакат тараққиётининг асосини ташкил этишини муаллиф куйидагича таъкидлайди:

“Ҳар бир миллатнинг саодати ва иззати, албатта, шу халқнинг ички интизоми ва тотувлигига боғлиқ. Тинчлик ва тотувлик эса шу миллатнинг интизомига таянади. Қаерда оила муносабати кучли интизом ва тарбияга таянса, мамлакат ва миллат ҳам шунча кучли ва тартибли бўлади”.<sup>7</sup>

Фарзанднинг тўғри тарбия топиши, унинг ҳар томонлама соғлом ўсиши, жисмонан ва маънан камолга етишида ота-онанинг вазифаси, бурчи алоҳида ўрин тутаети. Фитратнинг фикрича, ота-она ўз фарзандининг тарбияси билан жиддий шуғулланиши керак, аммо фарзанд тарбияси билан шуғулланадиган ота-онанинг ўзлари аввало, тарбия кўрган, фарзанд тарбияси ҳақида муайян билимга эга бўлишлари керак, уларнинг ҳар иккиси ўз вазифасини, ота-оналик бурчини мукамал адо этишлари, токи улар “Фарзандни жисман, ақлан ва ахлоқан камолга етиштириб, ҳаёт майдонига кучли, ақлли ва яхши ахлоқ билан чиқариши зарур”.<sup>8</sup>

---

<sup>7</sup>Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2006. 215-б.

<sup>8</sup>Ўша асар. 216-б.

Юқоридаги мулоҳазалардан маълум бўладики, оила ва ундаги фарзандлар тарбияси тушунчаси инсоният учун муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки ҳар бир инсон ўз ота-онаси бағрида кўз очиб дунёга келади ва уларнинг таъсирида атроф-оламни идрок этиб, тил чиқаради ва муомалани ўрганади. Шундай экан, эр-хотин муносабатлари фарзанд дунёга келиши билан янада муҳим ва масъулиятли поғонага кўтарилади. Энди улар бир-бирларига эмас, балки болаларга шахсан намуна ва ибрат бўлишлари керак, яъни уларда бурч тушунчаси пайдо бўлади.

Оилада ўғил бола отадан кўрганларини, қиз бола эса онадан кўрганларини ўзида мужассам эта боради. Демак, ота-онанинг шахсий сифатлари, уларнинг моддий ва маънавий олами аста-секин фарзандларга кўчади. Бундан ташқари, фарзандга ота-она жисми ва руҳидаги сифатларнинг бир қисми ирсий ҳолда ҳам ўтган бўлади. Ҳар бир ёшга, аввало оиласидаги, ота-она, ака-ука, опа-сингиллар ўртасидаги ўзаро муомала маданияти кучли таъсир кўрсатади.

Муҳтарам Юртбошимизнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида оила масаласига доир қуйидагича қимматли фикрлар баён этилган:

“Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос маънавиятини шакллантириш ва юксалтиришда, ҳеч шубҳасиз, оиланинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Чунки инсоннинг энг соф ва покиза туйғулари, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлари биринчи галда оила бағрида шаклланади. Боланинг характерини, табиати ва дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезон ва қарашлар – яхшилик ва эзгулик, олижаноблик ва меҳр-оқибат, ор-номус ва андиша каби муқаддас тушунчаларнинг пойдевори оила шароитида қарор топиши, табиийдир.

Шунинг учун ҳам айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидаги умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос

бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг негизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади.

Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70 фоизини 5 ёшгача бўлган даврида олар экан.

Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсак, айнан ана шу даврда унинг қалбида оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. Халқимизнинг “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган доно мақоли, ўйлайманки, мана шу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради.

Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий қўникма ва хусусиятлар, масалан, ҳар қайси боланинг ўзига хос ва ўзига мос қобилияти, атрофидаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай ҳис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки эга бўлмаслиги, керак бўлса, дунёкараши – буларнинг барчаси, аввало унинг туғма табиати, шу билан бирга оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради”<sup>9</sup>.

Оила ана шундай бебаҳо тарбия маскани, инсонни шакллантирадиган, уни улғайтириб, келажакда ким бўлишини таъминлаб берадиган институт десак, асло муболаға бўлмайди. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ота-боболаримиз, момоларимиз ўзларидан кичикларга ҳам, ҳатто жажжи болакайларга ҳам сен деб эмас, Сиз деб мурожаат қилишган. Ёш фарзандларга нисбатан алоҳида иззат-эътибор намуналарини кўрсатишган.

Болажонларнинг кўнглини чўктириш ёки уларни тез-тез хафа қилиш кабиларга қарши қаттиқ курашган. Ҳатто, бир ёш боланинг кўнглига тегиш, сазасини, хоҳишини ўлдиришни бир шаҳарни вайрон қилиш қаторида

---

<sup>9</sup>И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 52–53-б.

қўйишган. Ўсиб-униб келаётган ёш, навниҳол фарзандларга нисбатан бундай иззат-икром аждодларимизнинг оила маънавиятига, болалар тарбиясига қанчалик катта эътибор қаратганлигидан далолат беради.

Ҳаммамизга яхши маълумки, фарзанд тарбияси масаласи азал-азалдан долзарб аҳамиятга молик иш бўлиб келган. Негаки, фарзанд – авлод давомчиси, айна пайтда, ота-онанинг қувонч-у ташвиши, агарда яхши бўлса, фахри ва бахтидир. Агарда ёмон бўлса, ота-онанинг кўргулиги ва фожеасидир. Шу нуқтаи назардан қараганда, фарзанд тарбияси ҳар бир ота-онага муҳим ва ҳал қилувчи вазифалар юклайди. Демак, ота-она фарзандни моддий таъминлабгина қолмай, уни ҳар томонлама етук, соғлом, ақлли ва баркамол қилиб тарбиялаши ҳам керак. Бунинг учун ота-оналар педагогика фани, тарбия усуллари ва болалар психологиясини ҳам яхши билишлари лозим. Чунки тарбия мураккаб жараён бўлиб, у одамдан чуқур билим, тажриба ва айна пайтда, ҳар бир индивидга нисбатан турли-туман ёндашувларни талаб этади. Сабабики, ҳар бир бола ўзига хос қобилият, характер, лаёқат ва сифатларга эга бўлади. Уларнинг ҳар бири бир олам бўлиб, ота-онадан ўзига хос тарбия усулларини талаб қилади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда етишиб келаётган ёш авлодни, айниқса киз болаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, уларга бўлажак эр-хотин, ота-она сифатида қараб, муайян турмуш сабоқлари билан қуроллантириш, бирор касб-корга эга бўлишларини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда.

Аҳоли орасида кўп фарзандликка нисбатан муносабатнинг ўзгариши, натижада, катта оилалардан кўра кичик оилалар сонининг ортиб бориши, ёшларнинг онгида оила муносабатларига доир тушунчаларнинг тўла шаклланмасдан, жисмоний ва маънавий жихатдан вояга етмай, эрта турмуш қуриш ва уларнинг оқибатида ажралишларнинг кўпайиши, айна пайтда, оиланинг

демографик вазифаси, яъни авлодлар давом этишига салбий таъсир кўрсатади.

Бу борада аёлларнинг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, фертил ёшидаги аёлларнинг ўз жисмоний имкониятларидан тўлиқ фойдаланишлари учун шарт-шароитлар яратиш ва аксинча, қутилмаган ҳомила ёки туғиш мумкин бўлмаган, туғиш имконияти чекланган ҳолатлардаги туғишларнинг, вояга етмай, эрта турмуш қуришларнинг олдини олишга қаратилган чоратадбирларни кучайтириш бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмокда.

Бўлажак ёш оила соҳиб ва соҳибалари ана шу “Оила – муқаддас кўрғон”, - деган тушунчани чуқур англаб етиб, сўнгра авлодлар бунёд этиш ва тарбиялашга киришса, албатта оилаларимиз мустаҳкам бўлади, фарзандларимиз соғлом ва баркамол бўлиб вояга етади.

## 2-§. ОИЛАДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ

Мухтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган **“Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор”**, деган инсонпарвар тамойилдан келиб чиқиб, оилаларнинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий принциплари ҳамда манфаатларини узлуксиз таъминлаш, уларнинг фаровонлигини яхшилашга оид чоратадбирларни амалга ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Оиланинг маънавий-ахлоқий қиёфаси асрлар мобайнида аждодларимизнинг билим ва тажрибалари, маданий кадриятлари асосида, шунингдек замондошларимизнинг эришган ва эришаётган ютуқлари негизида барпо бўлди ва такомиллашиб бормоқда.

Оиланинг жамият маҳсули сифатида шаклланиши ва ривожланиб бориши билан биргаликда, унинг ана шу жамият олдидаги масъулиятли вазифалари ҳам мавжуд:

- **оиланинг ижтимоий вазифасига** фарзандларни тарбиялаш, яхши инсон қилиб камолга етказиш, уларнинг табиат ва жамиятга нисбатан ўзаро муносабатини шакллантириш, вақтида дам олиши ва саломатлигини таъминлаш кабилар қиради.

- **оиланинг иқтисодий вазифасига** оила аъзоларини яшаш учун зарур бўлган моддий бойликлар – уй-жой, озиқ-овқат, кийим-кечак, техника воситалари билан таъминлаш қиради.

- **оиланинг демографик вазифасига** наслнинг давомийлигини таъминлаш, янги авлод яратиш, оилада фарзандлар туғилиши, янги оилалар пайдо бўлиши кабилар қиради.

Оиланинг мавжудлиги унинг ана шу вазифаларини бажариши билан узвий боғлиқдир.

Доно халқимизда *“Оилалари мустаҳкам бўлган, равнақ топган мамлакат қудратли ва фаровон бўлади”*, -

деган ҳикмат бор. Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номуснинг кучлилиги, ёшларга иззат, кексаларга ҳурмат каби фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради.

Шарқда ота оиланинг бошлиғи, унинг таъминотчиси ва посбони бўлса, она эса унинг кўрки, орасталиги ва файзидир. Фарзандлар эса оила гулшанининг ғунчалари ҳисобланади.

Республикамизда оилалар асосан кўп сонли бўлиб, турли авлод вакиллари бирга яшашади ва бирга хўжалик юритишади. Бу эса болаларни тарбиялаш, уларни умуминсоний, маънавий қадриятлар ва анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай имконият яратади. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғларидаёқ, меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни ўрганадилар.

Фарзанд оила муҳотида катта бўлар экан, унинг барча хулқ-атворида атроф-муҳит ва оилага бўлган муносабат, келажакда ўзининг оила қуриши, фарзандлар тарбиялаши ҳақидаги фикрлари ҳам шаклланиб боради.

Агарда оиланинг ижтимоий вазифаси ижобий бажарилса, яъни болада оилага, ота-онага, катталарга ҳурмат, ўзаро ёрдам каби хислатлар шаклланса, келажакда оила қургач, унинг ўзи ҳам фарзандларини худди шундай тарбиялашга интилади. Демак, янги оила, янги авлоднинг шаклланишида оиладаги ижтимоий, иқтисодий муҳит, демографик вазифаларнинг бажарилиши асосий омиллардан бўлиб ҳисобланади.

Оила – ҳар биримизнинг ички имкониятларимизни намоён этувчи азиз гўша. Инсоннинг маънавияти ҳам, буюк тажрибалари ҳам аслида оилада қарор топади, сўнгра у ижтимоий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг алоҳида бир боби (14-боб) оила муносабатларига

бағишланган бўлиб, унинг 63-моддасида шундай таъкидланади:

“Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга. Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланади”<sup>10</sup>. Ота-оналарнинг ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиши ва тарбиялаши ҳамда вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналарига ғамхўрлик қилиши мажбурийлиги каби умуминсоний қадриятлар Конституциямизда ўзининг муносиб ифодасини топган.

Оила фақат киши шахсини ҳурмат қилиш ёки бўлмаса эр-хотинга маълум бир масъулият юклаш воситасигина бўлмай, балки маънавий тарқатиш, анъаналарга риоя қилиш манбаи, жамиятнинг маънавий пойдеворидир. Оила маънавияти халқимизнинг бир неча минг йилларга туташ миллий қадриятларини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Маълумки, таълим ва тарбия шахсни камол топтиришнинг асосий усуллари бўлиб, у турли ижтимоий институтлар, муассаса ва ташкилотлар томонидан амалга ошириладиган, муайян мақсадга қаратилган ижтимоий фаолият ва тадбирлар тизими бўлиб ҳисобланади. Таълим-тарбия кишилар, аввало ёшлар онги ва руҳиятига таъсир этиш орқали инсон шахсини шакллантиришдан иборат яхлит ижтимоий жараёндир.

Таълим деганда, асосан билим бериш назарда тутилади. Билим кишиларнинг тафаккур доирасини кенгайтиради, онги-шуурига таъсир этади, уларнинг дунёқарашини шакллантиради ва ривожлантиради. Таълим охир-оқибатда инсонга ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида ўз ўрнини топишига ёрдам беради. Таълим ўз ўрнида тарбияни тақозо этади.

Тарбия кишиларга таъсир этишнинг муайян шакли. Тарбия туфайли инсон жамиятда яшаш, фаолият кўрсатиш

---

<sup>10</sup>Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010. 12-б.



маромларини ўзлаштиради. Тарбия аждодларни авлодларга, бугунни келажакка боғловчи восита. Тарбия – инсоннинг шахс бўлиб камол топишининг муҳим омили. Тарбия туфайли одам воқеликка, бошқа одамларга, жамиятга, ижтимоий тузумга онгли муносабатда бўлишни ўрганади. Жамиятда ишлаб чиқилган ахлокий, ҳуқуқий, эстетик меъёр ва қоидаларни ўзлаштириш орқали одам жамиятнинг фаол аъзосига айланади.

Мамлакатимиз истиқболи, халқимизнинг эртанги куни кўп жиҳатдан фарзандларнинг қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқ. **“Таълимни тарбиядан, тарбияни таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”**, - дея алоҳида таъкидлаганлар Президентимиз.<sup>11</sup>

Мамлакатимизда амалга оширилаётган таълим-тарбия тизими маънавий баркамол, руҳан тетик, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замон талабларига жавоб бера оладиган баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилган.

Таълим-тарбия инсон тафаккури, руҳияти ва маънавиятига таъсир этишнинг қудратли воситаси, у туфайли аждодлар тўплаган билим, кўникма малакалар, ҳаётий тажриба, жамиятда яшаш ва фаоллик кўрсатиш меъёрлари янги авлод мулкига айланади. Шу маънода таълим-тарбия жараёнининг асосини маънавий тарбия ташкил этади, деган хулосага келиш ўринли.

Маънавий тарбия, унинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни масаласи, Президент Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарининг мазмун-моҳиятини ташкил этади.

**“Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган**

---

<sup>11</sup>И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият” – 2008 йил. 62-бет.

эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз бекиёс аҳамият касб этади. Агар бу масалада хушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”.<sup>12</sup>

Шарқнинг таниқли файласуфларидан бири, шоир Мирзо Абдулқодир Бедил таъкидлаганидек, “*Аввал гиштни қийшиқ қўяркан меъмор, юлдузга етса ҳам қийшиқдир девор*”. Дарҳақиқат, инсоннинг маънавий қиёфасини ҳам улкан бинога қиёс қилиш мумкин. Агар одамга ёшлиқдан тўғри тарбия берилмас экан, катта бўлгач, уни тўғри йўлга солишнинг имконияти бўлмайди. Шу боис, мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминлаш билан биргаликда юксак маънавиятли баркамол авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Инсон ва унинг маънавий камолоти учун шарт-шароитлар яратиш бугунги кунда амалга оширилаётган ислохотларимизнинг асосий мақсадини ташкил этади. Халқимизнинг бой маънавий-интеллектуал мероси, умумбашарий қадриятлар, иқтисодиёт, фан, маданият ва замонавий технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш мамлакатимиз тараққиётининг муҳим шарти ҳисобланади.

**“Маънавият – барча тарбияларнинг мустаҳкам илдизидир”** - деб бежиз айтилмаган халқимизда. Зеро, одоб-ахлоқ ва таълим-тарбия асли маънавиятдан бошланади. Маънавият – инсоннинг ички дунёси, қалби ва онги билан боғлиқ бўлиб, унинг бутун вужуди, фаолияти, хатти-ҳаракатларини белгиловчи фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадий, диний ва шу каби тасаввурлари мажмуидир.

---

<sup>12</sup>И.А.Каримов. Юксак маънавият – энгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008. 4-бет.

Маълумки, инсоннинг зоҳирӣ (ташқи) ва ботинӣ (ички) олами мавжуд бўлиб, ташқи оламга унинг бўйбастӣ, кўриниши, кийиниши ва хатти-ҳаракатлари киради. Ички олами эса инсоннинг яшашдан мақсади, онгу тафаккури, виждони, иймон-эътиқоди, орзу-истаклари, интилишлари ва ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ботинӣ (ички) олами – маънавиятдир. Озиқ-овқат одам танасига жисмонӣ қувват берса, маънавият унга руҳӣ озиқ ва куч-қувват бахш этади.

Маънавият одамларда ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Маънавият маърифат билан узвий боғлиқ бўлиб, унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Маънавият – инсонларнинг ўзаро муносабатлари, уларнинг ҳаётӣ тажрибалари давомида шаклланган ва ривожланган кадрятлар тизими.

Инсоннинг маънавият ва уни ривожлантиришга бўлган эҳтиёжи чексиздир. Маънавият инсоннинг ўзлигини, руҳӣ олами ва фаҳм-фаросатини акс эттиради, шунингдек, яхшиликни ёмонликдан, адолатни разилликдан, оқилликни жоҳилликдан фарқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Маънавиятни шакллантирувчи омиллар хилма-хил бўлиб, уни одам умри давомида эгаллаб боради. Бола, даставвал, оилада ота-онасидан эшитган ва кўрган-билганларига амал қилса, сўнгра боғча, мактаб, коллеж ва лицейларда мураббий ва ўқитувчилар кўмагида ўзининг маънавий дунёсини ривожлантира боради. Масалан, мурғак боланинг маънавий дунёқараши ҳам содда бўлиб, мураккаб маънавий тушунчаларни ҳали англаб ета олмайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, маънавият одамга аста-секин, йиллар мобайнида сингдириб бориладиган мураккаб жараён. Агар одамда юксак маънавият, ақл-фаросат ва тафаккур шаклланса, унинг барча фаолиятига ижобий таъсир беради.

Айтишларича, Испаниялик бир файласуф олим бутун умрини жаҳон халқларининг урф-одатларини, ахлоқ-

одобини ўрганишга, уларни тадқиқ қилишга бағишлаган экан. Ўша олим бизнинг юртимизга ташриф буюриб, Тошкент, Самарқанд ва Бухорода бўлибди. Юртига қайтиб боргач: “Ҳозиргача ўрганган, тадқиқ қилган барча ишларимни ўн беш ёшли ўзбек қизалоғининг ўрнидан туриб, қўлини кўксига қўйганча чой узатишдаги одобига, назокатига алмаштиришга рози эдим”, деган экан. Биз шундай юксак маънавият ва маданиятли халқнинг фарзанди эканлигимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Дарҳақиқат, халқимиз азал-азалдан ахлоқий фазилатларга бой бўлган. Ота-боболаримиз фарзанд ўстирар эканлар, уларнинг хулқ-атворларига, гап-сўзларига, кишилар олдида ўзини қандай тутиб, нималар ҳақида фикрлашиб, ўз мақсадларини бошқаларга қандай тушунтиришларига катта аҳамият беришган. Улар фарзандларининг кўрслик қилиши, катталар суҳбатига аралashiши, ножўя ишларига зинҳор-базинҳор йўл қўймаганлар. Бу нарсаларга фарзанд тарбиясининг энг муҳим томони деб қараганлар.

Аждодларимиздан қолган юксак маънавий анъаналардан бири – ўзи туғилиб ўсган хонадонига, Ватанига чексиз ҳурмат ва эҳтиром туйғусидир. Халқимиз ўз юртининг чинакам фидойиларини ҳамиша эъзозлаган ва улар билан фахрланиб келган. Ватандошларимиз киндик қони томган тупроқнинг бир сикимини ҳам ўзга юртнинг олам-олам бойлиги-ю, беҳисоб зарларига алмаштирмаганлар. “*Она юртинг – олтин бешигинг*”, “*Ўз уйим – ўлан тўшагим*”, дея бор меҳру муҳаббатини ўз юрти, ватани, уйи, хонадони аҳлига улашиб, очин-тўқин бўлса-да, шукроналар айтиб яшаганлар. Ватанни ана шундай севиш, ардоқлаш, ватанпарварлик ҳам аслида юксак маънавиятдир.

Юқорида маънавият барча тарбияларнинг мустаҳкам илдизи эканлигини таъкидладик, сабабики, у таълим ва тарбия жараёнларини ҳам ўз ичига олади. Одам зоти тарбия (маънавият)га ҳамиша муҳтождир. Тарбия билан таълим ўзаро узвий боғлиқ ҳодиса бўлиб, таълим ёки

маълумот олишнинг вақти турлича бўлиши мумкин, бироқ тарбия бериш ёшликдан бошланиши шарт. Кўринадики, тарбия (маънавият) иши ота-она, оила ва ўқитувчи-мураббийлар олдига ана шундай улкан ҳамда масъулиятли вазифаларни қўяди.

Тарбия – ҳар бир инсоннинг ҳаётда яшаши жараёнида орттирган сабоқлари ва интеллектуал салоҳиятининг ижобий кўникмасини ўзгаларга бериш ёки ўзгалардан олиш жараёни.

Инсон – табиатнинг энг буюк неъматидир. Унга ақл-идрок, онг-фаросат каби буюк фазилатлар ато этилганки, тарбия йўли билан инсон бу фазилатларга сайқал беради ва ривожлантирилади. Тарбиянинг кўпгина турлари мавжуд бўлиб, улар фикр тарбияси, ақл тарбияси, меҳнат тарбияси, жисмоний тарбия ва бошқалардан иборат.

**Фикр тарбияси** инсон фаолияти, унинг ўзлиги ва куч-қудратини ташкил қилувчи маънавий сифат. Инсоннинг эрки ва озодлиги унинг фикр эркинлиги ва мустақиллиги билан боғлиқ. Инсоннинг қолган барча мавжудотлардан фарқли жиҳати – бу унинг фикрлаш қобилиятидир. Шунингдек, инсонлар бир-биридан ўзига хос ўй-хаёллари, мушоҳадалари, онгли фаолият юритиши, мустақил фикрлаш ва тафаккур қилиш қобилияти билан ажралиб туради.

Тафаккур эса арабча “мутафаккир” сўзидан олинган бўлиб, *маъноли, чуқур фикрлаш қобилияти* деган маъноларни англатади. Инсон ҳаётининг дастлабки даврларида тафаккур табиат ҳодисаларини англаш, улардан яшаш учун фойдаланиш ёки ўзини муҳофаза қилиш шаклида бўлган. Аста-секин инсон тафаккури ривожланиб, яшаш ва меҳнат қилишнинг моддий ҳамда маънавий шакллари вужудга кела бошлаган. Шу асосда инсонлар орасидаги маҳсулот айирбошлаш муносабатлари ижтимоий-иқтисодий муносабатларни келтириб чиқарган.

Сўз мулкининг султони, буюк мутафаккир аллома Алишер Навоий бу ҳақда шундай ёзади:

***Ки ҳар ишни қилмиш одамизот,  
Тафаккур бирла етмиш одамизот.***

Одам бирор ишни қиларкан, албатта тафаккур қилиши керак. Яъни фикр чиғириғидан ўтказиб, ўйлаб кўриб, сўнгра бажариши лозим. Аксинча, атрофлича ўйламасдан, чуқур фикрламасдан қилинган иш одамнинг бошига кулфатлар келтириши мумкинлиги юқоридаги сатрларда ўзининг шеърий ифодасини топган. Айни пайтда, тафаккурнинг инсон ҳаёти ва фаолияти учун қанчалик муҳим аҳамият касб этиши ўқтирилган.

Ўзбек педагогикасининг ривожига катта ҳисса кўшган, маърифатпарвар ёзувчи Абдулла Авлоний ўзининг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” номли асарида фикр тарбияси ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлайди:

“Фикр тарбияси энг керакли, кўп замонлардан бери тақдир қилиниб келган, муаллимларнинг диққатларига суянган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадир. Фикр инсоннинг шарофатли, ғайратли бўлишига сабаб бўладир. Бу тарбия муаллимларнинг ёрдамига сўнг даражада муҳтождирки, фикрнинг қуввати, зийнати, кенглиги муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир. Дарс ила тарбия орасида бир оз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бири-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига боғланган жон ила тан кабидир”<sup>13</sup>.

Маърифатпарвар бобокалонимиз фикр тарбиясининг асослари ҳақида тўхталар экан, унинг ўқитувчи-мураббийларимизга боғлиқ, муаллимларнинг ёрдамига муҳтож ва виждонига ҳавола этилган муқаддас вазифа эканини алоҳида қайд этган.

Демак, ёш авлоднинг тафаккур тарбияси масаласи педагоглар ҳамда ўқитувчи-мураббийлар зиммасига жиддий ва масъулиятли вазифаларни юклайди. Ҳар бир ўқитувчи-мураббий, қолаверса ҳар бир инсон ушбу масъулиятни юксак даражада англаб етиши, ўзининг

---

<sup>13</sup> Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёки ахлоқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967. 28-б.

тафаккур дунёсини мунтазам равишда бойитиб бориши ва уларни ўсиб келаётган ёш авлод билан баҳам кўриши бугунги кунда ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқ аҳамият касб этмоқда.

**Ақл тарбияси** инсон учун бахт эшикларини очувчи ва йўл кўрсатгувчидир. Инсонни улуғлаш, унинг кадрига етиш, ўсиб келаётган ёш авлодни ақл-идрокли, одобли ва ахлокли қилиб тарбиялаш, уларни ҳар томонлама камолотга етказиш бугунги кунда, айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда. Ақл кишининг ўз иродаси, қалби ва фикри асосида дунёвий, ҳаётий ҳақиқатларни англаш ва уларга ўз фаолиятида инсоний нуқтаи назардан амал қилишдир. Инсон ақли туфайли оқни қорадан, яхшини ёмондан ажратиб олади. Одамнинг ақл-идроки бўлмаса, унинг одоби юзаки ва сунъий бўлади. Бундайларнинг одамлигини билиб турасиз, бироқ одамийлиги йўқлигидан нафратланасиз.

**Меҳнат тарбияси** ҳар томонлама етук, баркамол авлод тарбиялашда алоҳида ўрин тутади. Инсоннинг кундалик турмуш тарзи унинг меҳнат фаолияти билан боғлиқ. Меҳнат инсон ҳаётининг зарурий шартидир. У инсон учун фақат моддий ёки ижтимоий зарурат эмас, балки маънавий-руҳий эҳтиёж ҳамдир. Меҳнат тарбияси оилада янада кенг кўламда амалга оширилади. Оила бошлиқлари ва фарзандларнинг биргаликда меҳнатни ташкил қилиши инсон ҳаётида ниҳоятда катта имкониятлар яратади. Касбга бўлган меҳр, мутахассисликка доир билим ва кўникмалар меҳнат тарбияси асосида шаклланади.

**Жисмоний тарбия** инсон аъзоларининг соғлом ўсишини таъминлаши билан биргаликда уларни ақлий ва маънавий камолотга етаклайди. *“Соғ танда – соғлом ақл”* деб бежиз айтилмаган. Жисмоний тарбия кишиларнинг тана саломатлигини мустаҳкамлаб, ишлаш қобилиятини оширади, узоқ умр кўришга кўмаклашади. Жисмоний тарбия, спорт ҳар қандай ёшда инсоннинг қадди-қоматини

гўзал қилиш, куч-қувватини ошириш воситаси ҳисобланади. Баркамол авлодни жисмоний тарбиясиз тасаввур қилиб бўлмайди, бу тарбиянинг бош мақсади жисмонан чиниққан, мард ва чидамли, қатъиятли ватанпарвар фарзандларни камол топтиришдир.

Биз юқорида тарбиянинг айрим муҳим турлари хусусида тўхталиб ўтдик, холос. Тарбиянинг бундан бошқа бир қанча турлари ҳам бўлса-да, барчаси охир-оқибат маънавийат тушунчасидан озик олади. Кўринадики, маънавийат ана шу барча тарбия воситалари ва турларига мустаҳкам замин яратади.



### 3-§. ОИЛАДА ИНСОНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИ

Инсонпарвар, мустақил демократик жамият барпо этилган ва ривожланаётган Ўзбекистонимизда бугунги кунда йўлга қўйилган таълим-тарбия ишлари, аввало, маънавий баркамол, руҳан пок, мустақил фикрлаш ва ишлаш қобилиятига эга бўлган, замон талабларига жавоб бера оладиган, гормоник ривожланган, умуман, ҳар томонлама баркамол инсонни шакллантиришга йўналтирилган.

Мамлакатимизнинг келгуси тараққиёти ва унинг буюк давлатга айланишида ёш авлоднинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, таълим-тарбия ишларни такомиллаштириш, шунингдек уларни замонавий илм-фан, маданият, техника ва технология ютуқлари билан мунтазам равишда таништириб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Нега деганда, Ўзбекистон – ёшлар мамлакати ҳисобланади. Унда аҳолининг 60 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этади. Сўнги тадқиқотларга кўра, ушбу кўрсаткич яқин беш йилликда 25 фоизга ўсиши тахмин қилинган. Бу дегани – меҳнатга лаёқатли аҳолиимизнинг сони яқин йилларда яна 50 фоизга ошади. Ушбу рақамлар юртимиз аҳолисининг нафақат сон жиҳатдан ўсиши, балки ёшларимизнинг катта интеллектуал имкониятларга эга эканини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш мақсадида “Соғлом авлод учун” орденининг таъсис этилиши, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракатининг ташкил этилиши, 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши, ёшларнинг муаммоларини ўрганувчи институтлар ва марказлар фаолиятининг йўлга қўйилиши, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, “Таълим тўғрисида”, “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунларнинг қабул қилиниши оилаларда

соғлом муҳитни шакллантириш, ҳар томонлама етук, баркамол авлодни вояга етказишда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, “Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги қонунда ёшларга берилган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий кафолатлар давлат фаолиятининг устувор йўналиши бўлиб, унинг мақсади ёшларнинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, уларнинг ижодий иқтидорини имкони борича тўла-тўқис рўёбга чиқариш учун тегишли шарт-шароитлар яратишдан иборат.

Соғлом авлод тарбияси деганда, фақатгина жисмоний соғлом эмас, балки шарқона одоб-ахлоқ, миллий ва умумбашарий кадриятлар, ғоялар руҳида камол топган фарзандлар тарбияси тушунилади. Соғлом авлод таълим-тарбияси жамиятнинг фаол аъзосини шакллантиришга қаратилган ижтимоий жараён дир. Бу жараёнда тарбия масаласи марказий ўрин тутди. Инсонни ўз вақтида зарур билимлар билан қуроллантириш эса таълимнинг мақсадини ташкил қилади. Шундай экан, таълим-тарбия, айни пайтда, инсон тафаккури, руҳияти ва маънавиятига таъсир этишнинг қудратли воситаси ҳисобланади. У туфайли аждодлар тўплаган билим, кўникма ва малакалар, ҳаётий тажриба, жамиятда яшаш ва фаолият кўрсатиш меъёрлари этишиб келаётган ёш авлод мулкига айланади.

Биз маънавий тарбия масаласига эътиборни янада кучайтиришимиз зарур. Зеро, маънавий тарбия ёшларда юксак маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиришнинг асосидир. Маънавий баркамол инсон деганда, ўз ҳақ-ҳуқуқини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан мустақил ёндаша оладиган, айни пайтда, ўз шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўра оладиган шахс назарда тутилади.

Маънавий баркамол инсон яшашдан мақсади нималигини аниқ билади, рўй бераётган ижтимоий

жараёнлар моҳиятини англаб етади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади. Виждон нима, иймон нима, ёлғон ва рост нима, ҳалол ва ҳаром нима, ор-номус нима – буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата олади, ҳаётда ёмонликка бошлайдиган хатти-ҳаракатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни бажаради.

Маънавий тарбия масаласида қуйидаги омилларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ:

**Биринчидан,** юқорида таъкидланганидек, мамлакатимиз аҳолисининг кўпчилик қисмини ёшлар ташкил этади. Улар яқин ўтимишимизни фақат китоблар, фильмлар ёки ота-оналарининг ҳикоялари орқалигина биладилар. Ўтмиш, айниқса яқин ўтмишнинг аччиқ сабоқлари, миллий маънавиятимиз ривожини йўлидаги тўсиқлар, ўша даврга хос бўлган боқимандачилик, империячилик мафкурасининг зўравонлик билан жорий этилгани ва уларнинг мудҳиш оқибатларини ёшларимиз етарли даражада тасаввур этишлари мушкул.

Яқин ўтимишимизда бизни ўзларига тобе этиш мақсадида маънавиятимиздан, тарихимиздан, миллий қадриятларимиздан жудо қилишга уриндилар. Ана шу аччиқ ҳақиқатни ёшлар онгига сингдириш, уларнинг маънавий тарбиясига эътиборни кучайтиришни тақозо этади. Ўша даврдаги вазият Юртбошимизнинг таъбири билан айтганда, қуйидагича эди:

**“Ижтимоий инфраструктура тармоқлари: соғлиқни сақлаш, халқ таълими, мактабгача болалар муассасалари жуда оғир аҳволга тушиб қолган. Мактаб ва касалхоналарнинг 60 фоизи нобоп биноларда жойлаштирилганини айтишнинг ўзи кифоя...**

**Бундай аҳвол вужудга келганининг боиси нимада?...**

**Республикамизнинг тақдири, унинг келажаги учун қайғураётган, ёш авлод тақдири учун қуюнаётган**

соғлом фикрли ҳар бир киши ҳозир ўзига ўзи шу саволни бермоқда.

Назаримда, бунинг жавоби шундай бўлмоғи керак: 30-йилларнинг бошларида иқтисодиётга раҳбарлик қилишнинг маъмуриятчилик, буйруқбозлик усуллари ғалаба қозониб, Ўзбекистонни, унинг ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантиришга яроқсиз ёндашувлар тобора қарор топиб борди”<sup>14</sup>.

Албатта, ўтмишни, тарихий ҳақиқатни билмасдан туриб, бугунги куннинг қадрига етиш ва келажакни тўғри аниқлаб олиш қийин.

Шуни таъкидлаш керакки, аввало ёшларимиз бугунги тинч ва осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб, четдан тарқатилаётган турли бузғунчи ғояларга нисбатан доимо хушёр ва огоҳ бўлишлари учун улар ота-боболаримизнинг маънавий меросини чуқур ўрганиши, узоқ ва яқин тарихимизни, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизни яхши билиши, айниқса бугунги ҳаётимиз учун жонини қурбон қилган инсонларни қалбида асраб-авайлаши, уларнинг ҳурматини ўз ўрнига қўйиши керак. Негаки, тинчликнинг асл моҳияти ва қадрига етиш учун машъум уруш мусибатларини, унинг аянчли оқибатларини онгли равишда ҳис қилишимиз лозим.

Президентимизнинг *“Ёшларимиз эртага ким бўлади, қайси ғоя учун курашади?”*, - деган ўринли саволларини бугун замоннинг ўзи тақозо этаётганини ҳар биримиз яна бир бор чуқур ҳис этиб, англаб олишимиз керак. Айниқса, бугунги мураккаб ва таҳликали замонда узоқни кўзлаб иш қилиш, ён-атрофимиз ва дунёда юз бераётган воқеаларни холисона баҳолаш, таҳлил қилиш, айни пайтда етишиб келаётган ёш авлодга Ватан ҳимояси тушунчасини, ватанпарварликни янада чуқурроқ сингдириш орқали

---

<sup>14</sup>И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011, 6–7-б.

уларнинг мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Иккинчидан**, ҳозирги глобаллашув жараёнлари тобора кескин тус олаётган, ҳаёт суръатлари тезлашаётган бир даврда мафкуравий таъсир ўтказиш воситаларининг ҳам кенгайиб бораётгани маънавиятга қарши хуружларда ўз ифодасини топмоқда. Маънавиятга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж мамлакатимиз хавфсизлигини, миллий манфаатларимизни таъминлашда жиддий хавф-хатар ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай маънавий таҳдид одамнинг том маънода эркин инсон бўлиб яшашига қарши қаратилган бўлади, унинг руҳий дунёсини издан чиқаришни кўзда тутди. Айниқса, бундай хуружлар ёшларнинг онги ва қалбига йўналтирилганлиги билан хатарлидир. Бу хавф-хатарларнинг олдини олиш, яъни ёшларнинг маънавий-руҳий хавфсизлигини таъминлаш, ўз ўрнида, уларнинг маънавий иммунитетини кучайтиришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги мураккаб ва чигал замонда маънавият ва маърифат масаласи нақадар ўткир ва ҳал қилувчи масалага айланиб бораётганини кўпчилик ҳамон теран англаб етаётгани йўқ. Агарда, маънавиятимизни юксалтирсак, ўзимизнинг мақсад-вазифаларимизга етиш учун кучли ва ишончли мадад топа оламиз.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида таълим-тарбиянинг маънавиятли инсон шахсини шакллантиришга йўналтирилган мураккаб ижтимоий жараён эканлиги ҳақида фикр юритилган. Маънавий тарбияни амалга оширишнинг дастлабки шарти сифатида ҳозирги давр хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, маънавиятни чуқур англаш ва бу борадаги вазифаларни белгилаш эканлиги алоҳида уқтирилган.

Маънавият ҳақидаги олимларнинг қарашларини инкор этмаган ҳолда, унинг моҳиятига давр нуқтаи назаридан ёндашиш зарурати ҳақида таъкидланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳаётидаги улкан ўзгаришлар маънавий тарбия борасида қуйидаги долзарб вазифаларни амалга оширишни тақозо этади:

- турли восита ва усуллар орқали ёшларда нафис дид ҳамда юксак ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

- ёшларни ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш асосида уларнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

- аҳоли орасида ижтимоий соғлом муҳитни қарор топтириш;

- ёшларни Ватанимизга, миллий гоя ва анъаналаримизга садоқатли қилиб тарбиялаш;

- миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш;

- ёшларда соғлом турмуш тарзи ва жисмоний маданиятни ривожлантириш;

- ёшларни гоявий қурашувчан руҳда тарбиялаш ва уларда мафкуравий иммунитетни юксалтириш;

- ёшларнинг ўз Ватани ва халқи, шунингдек табиат ва жамият олдидagi масъулият ҳиссини ошириш.

**Учинчидан**, инсоннинг қалби ва онгига жо бўлган миллий, маънавий-ахлоқий сифатлар уни бутун умри давомида ҳалол, пок, билимли ва халқ хизматида бўлишга, Ватани равнақи ҳамда тараққиётига ҳисса қўшишга, мустақил ва эркин мушоҳада юритувчи шахс сифатида камол топишга муттасил равишда ундайди.

Инсон маънавиятининг асосий жиҳатларини билим, иймон-этиқод, меҳр ва масъулият ташкил этади. Агарда уларнинг бирортаси етишмай қолса, инсон руҳиятида сезиларли номутаносибликлар юз беради. Демак, маънавиятнинг юксалиши жамиятда инсоннинг кадр топишига олиб келади. Бу эса инсонларнинг мавқеи, маънавият намояндаларининг билими, малакаси,

масъулияти билан, жамиятда қонун устуворлигининг таъминланиши ҳамда мавжуд ижтимоий муаммоларнинг ўз вақтида ҳал қилиниши билан белгиланади.

Шуни таъкидлаш керакки, маънавият бир миллатга ёки мамлакатга эмас, бутун инсониятга дахлдор масаладир. Чунки маънавиятнинг саёзлашиб кетиши чегара билмайдиган муаммоларни, инсониятнинг қирилиши, фалокат ёқасига бориб қолиши хавфини келтириб чиқариши мумкин. Бундай хавфнинг олдини олиш учун давлат ҳам, фуқаролик жамияти ҳам асосий эътиборни жамиятда тартиб ўрнатишга қаратиб, назорат тизимини такомиллаштириб бориши лозим. Давлат ва жамият ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик механизмларини такомиллаштириш мақсадга мувофиқ.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш қонун бузилган вақтда жазонинг муқаррарлигини кафолатлайдиган тизимнинг шаклланишига боғлиқ. Агар бирор шахс қонунни бузса, унинг жазосини юқори лавозимда ўтирган мансабдор шахс эмас, балки тизим бериши керак. Бундай тизимнинг шаклланиши маънавиятнинг юксалиши билан боғлиқ бўлади. Чунки маънавият инсон иймонини бақувват ва виждонини пок қилиб, дахлдорлик ҳиссини уйғотади ва унда ички назоратни шакллантиради. Шундагина жамиятда қонун устуворлиги ва жазонинг муқаррарлигини таъминлайдиган жамоатчилик назорати тартиби шаклланади.

Фуқаролик жамиятининг шаклланиши жараёнида ҳуқуқий таъсир чоралари нисбатан камайиб бориши сабабли ахлоқий тарбия кучайиб, маънавият юксалиб бориши керак. Ана шунда қонун устуворлигини таъминлайдиган ички назорат кучаяди. Бундан ташқари, назорат юқоридан ва қуйидан бўлиши мумкин. Юқоридан назоратни давлат амалга оширса, қуйидан эса фуқаролик жамияти амалга оширади. Қуйидан назоратни амалга ошириш механизминини ривожлантириш, самарадорлигини

ошириш маънавиятнинг юксаклиш даражасига боғлиқ бўлади.

Маънавий тарбиянинг асосий мақсадларидан бири – одамлардаги бефарқлик кайфиятини йўқотишдан иборат. Бунинг учун бефарқликнинг сабабларини топиш лозим бўлади. Бефарқликнинг сабабларидан бири – эгоизм, яъни ўз манфаатини жамият манфаатидан устун қўйишдир. Агар одам ўзидаги эгоизмни жиловлай олса, бефарқликдан халос бўлади ва дахлдорлик ҳисси билан яшайди. Бошқача қилиб айтганда, у ўз манфаатини жамият манфаати билан уйғун ҳолда кўра олади.

Бефарқликнинг сабабларидан яна бири нодонлик эканини тушуниш учун олдин нодонлик нима эканини англаб олиш лозим. Нодонлик – бу билмаслик. Нимани билмаслик? Бефарқлик оқибатида разолат ғалаба қозониши, кимнингдир ҳуқуқлари паймол қилиниши ва худди шундай ҳолат эртага ўзи билан такрорланиши мумкинлигини билмасликдир. Агар инсон бефарқлик оқибатида кимнингдир ҳуқуқлари паймол қилинишини ва эртага шундай ҳолат ўзи билан такрорланишини билса, у ҳеч қачон бефарқ бўлмайди.

Табиийки, ҳар бир даврнинг хусусиятига мос ижтимоий ахлоқ тамойиллари бўлади. Чунки инсоннинг маънавияти турлича талқин қилинади ва шунга мувофиқ келадиган ахлоқий тамойиллар илгари сурилади. Масалан, Ғарб мамлакатлари ахлоқининг асосий тамойиллари эгоизм (худбинлик) ва индивидуализм (яккалик)дир, чунки улар инсон ўзининг табиий моҳиятига кўра эгоист-худбин, фақат шахсан манфаатдор бўлганлиги учунгина жамиятга хизмат қилади, деган қоидага асосланади. Шарқ мамлакатларида эса ижтимоий ахлоқ тамоман бошқача тамойилларга, яъни аҳиллик ва жамоавийлик тамойилларига асосланган. Биз ҳозир Ғарб ва Шарқ ахлоқий тамойиллари хусусияти тўғрисида мунозарага киришмасдан кўпчилик давлатлар томонидан тан олинган тамойилларнинг мавжудлигини таъкидлаймиз.



Улар куйидагилар: ҳар бир инсоннинг миллати, дини, ирқидан қатъи назар, инсон кадр-қимматининг устуворлигини тан олиш, шахс ва жамият манфаатларини уйғунлаштириш, кишининг тўла озодлигини амалга ошириш, инсон ҳаётини фаровон қилишга интилиш, ўзгалар тақдирига бефарқ бўлмаслик ва бошқалар. Ушбу тамойилларга риоя қилиш умумий мақсад бўлган – фаровон жамиятнинг шаклланиши ва ҳар бир кишининг бахт-саодатга эришишини таъминлайди. Маънавий-ахлоқий тарбиянинг ўзига хос хусусияти жамият аъзоларини ягона мақсад – фаровон жамият қуришга тайёрлашдан иборат. Бу эса озод, обод ва фаровон жамият қуришнинг муҳим омилidir.

**Тўртинчидан**, соғлом турмуш тарзи барча даврларга ва халқларга дахлдор тушунча бўлиб, соғлом миллатни шакллантириш омилларидан бири ҳисобланади. Айни пайтда, соғлом деган сўз инсоният маънавий тараққиётининг барча бўғинлари, босқичларини характерлайдиган тамойилга айланиб бормоқда десак, асло муболаға бўлмайди. Шундай экан, кимнинг қандай яшаётгани, нималарга эътибор бераётгани ёки бермаётгани, ўз эҳтиёжларини қайси йўсинда ва қай даражада қондираётгани ва бошқа хатти-ҳаракатларига қараб, унинг турмуш тарзи даражаси ва мазмун-моҳиятини аниқлаш мумкин. Табиийки, соғлом турмуш тарзи тушунчасини аниқлаш учун, аввало турмуш тарзининг моҳиятини билиш керак. Турмуш тарзи ҳар бир инсоннинг, қолаверса, бутун халқнинг яшаш, меҳнат қилиш, яратиш, интилиш, изланиш тартиби, уларнинг билим ва кўникмалари, малака ва тажрибалари, умуман, инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг бир қатор томонларини ўзида мужассам этади.

Халқларнинг турмуш тарзи белгилари, меъёрлари, тартиб-қоидалари асрлар давомида шаклланиб, такомиллашиб, авлоддан-авлодга ўтиб боради. Соғлом турмуш тарзи эса маънавий етук, комил инсонларни

тарбиялаб, вояга етказишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Мухтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек:

**“Инсонпарварлик – бу ўзбек халқи миллий руҳиятининг ажралмас фазилатидир. Шавқатсизлик ва зўравонлик унинг табиатига ётдир. Бизнинг халқимиз ўзининг воқеаларга бой кўп минг йиллик тарихи давомида кўп нарсаларни бошидан кечирди – маданият, илм-фан, ўз давлатчилиги ютуқлари нашидасини сурди, ўзаро низолар, бегоналар асорати аламини тортди, энг яхши ўғил-қизларидан жудо бўлди. Лекин тарихнинг ўйини ҳам, омонсиз жангу жадаллар ҳам, табиий офатлар ва очлик ҳам халқимизнинг инсонийлик табиатига доғ туширмади. Ўзбек оиласида бугунги кунда яхшилик ва ёруғлик, болаларга меҳр, катталарга ҳурмат, яқинларга ва бошқаларнинг қайғусига ҳамдардлик мужассамлангандир”<sup>15</sup>.**

Ҳақиқатдан ҳам, ўзбекларда мусофирларга ёрдам бериш, мухтожларга садақа бериш, хонадон бошига ташвиш тушганда кўни-кўшни, қон-қариндош, маҳалланинг маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаши анъана бўлиб қолган. Бундай олижаноблик, ҳиммат, инсонпарварлик ўзбек халқининг қонига сингиб кетган.

Инсонпарварлик – бу адолат, меҳр-шафқат, меҳрибонлик, ҳиммат, саховат, кишиларга одамийлик, олижанобликни бахш этиш демакдир. Инсонпарварлик кишиларда турли миллат халқларига меҳр-муҳаббат ҳиссини таркиб топтиради. Адолатсизлик, тенгсизлик, текинхўрлик, виждонсизлик каби ахлоқ-одобга зид хатти-ҳаракатларга муросасизликни шакллантиради.

Халқимизнинг маънавий қиёфасини белгилайдиган меҳмондўстлик, катталарга ҳурмат, оилаларга ғамхўрлик қилиш, тўй ва маросимларда ўзаро ёрдамлашиш, ҳашар,

---

<sup>15</sup>И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 66-б.

оилада бир-бирларига кўмаклашиш каби удумлар инсонпарварликнинг асосини ташкил этади.

Юкорида акс эттирилган инсон шахсига тааллуқли бўлган хислатлар, энг аввало оилада таркиб топади, шакллантирилади.

Бола дунёга келиб биринчи бўлиб кўрган кишилари – онаси, отаси, ака-опалари бўлади. Қариндошларнинг меҳр-муҳаббати болага чақалоқлигидан сингади. Ота-она бола учун бутунлай ғамхўр, раҳнамо бўлиб гавдаланади ва бола уларнинг насиҳати, тарбиясига ишонч билан қулоқ солади. Бола ота-онага алоҳида ишонч билан қарайди.

Бола қалби – оиланинг сурати. Унда оиланинг ички моҳияти акс этади. Агар ота-она манфаатпараст, мансабпараст, таъмагир кишилар бўлса, улар бу иллатларини ойда-йилда бир кўрадиган дўстларидан яшира олади. Лекин ўз фарзандларидан яшириш ниҳоятда қийин. Бола ёш даврида кўп кизикадиган ва жуда тақлидчи бўлади. Бу даврда ота-она ва бошқа оила аъзолари ўзаро маданиятли, яхши инсоний муомалада бўлишлари катта аҳамият касб этади.

Ўзбек оиласидаги бола тарбиясида меҳнат ва миллий анъаналар катта ўрин тутади. Айниқса, катталарни ҳурмат қилиш ўзбек халқига мос бўлган муҳим фазилатдир. Ўзбек оиласидаги яна бир ижобий фазилат – ўзидан кичикка ғамхўрликдир. Оила тарбияси жараёнида ота-она болага нечоғлик ғамхўрлик қилган бўлса, болада ҳам ана шу фазилат намоён бўлади. Яни, катта фарзанд оиладаги кичикларга доимо ёрдам беради, ука-сингилларига нисбатан масъулият сезади.

Таъкидлаш жоизки, ахлоқий, маънавий, руҳий қиёфанинг асосий хусусиятлари, аломатлари болага оила муҳитида сингдирилади. Шахсни таркиб топтириш қанча эрта бошланса, у шунчалик тезроқ ижтимоийлашиб боради. Шунинг учун тарбияни ҳеч бир дақиқа кечиктириб бўлмайди, чунки “новдани ёшлигида эгиш осон бўлади”. Оилада бола тарбиялашда ишонтириш, тушунтириш,

насихат, ибрат-намуна, машқ қилиш, рағбатлантириш, танбеҳ бериш, жазолаш, пичинг қилиш каби усуллар қўлланилади.

Ота-оналар ўртасидаги ўзаро муносабатда ҳамжихатлик, меҳр-оқибат, ўзаро ҳурмат, ширинсуханлик, бир-бирига ғамхўрлик мавжуд бўлса, бу хислатлар бола тарбиясига ижобий таъсир кўрсатади.

Оила аъзоларининг фаҳм-фаросати, қизиқиш ва қобилияти, эҳтиёж ва майли, интилиши ва хоҳиши, тийраклиги ва зукколиги бир-бирларига ўхшаш бўлса, у ҳолда, ота-онанинг иноқ, аҳил турмуш кечириши, шахслараро муносабатнинг изчил ва мустаҳкам бўлишига пухта замин ҳозирлайди. Мустаҳкам оила муҳитини барпо этиш учун энг аввало, оила бошлиқлари ўзаро бир-бирларини тушуниб турмуш кечиришлари, тарбия мақсади ва вазифасидаги бирлик, ҳамжихатлик, яқинлик, узвий боғлиқлик, юзага келадиган ва келиши мумкин бўлган карама-қаршиликларни бартараф этиш уқуви ниҳоятда зарур.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, ўзбек оиласида ота-онанинг хоҳ ўғил, хоҳ қиз, хоҳ тўнғич, хоҳ кенжа фарзанд бўлсин, уларга бирдай муносабатда бўлиши тарбия самарадорлигини оширади. Ана шунинг учун фарзандларни ҳаддан ташқари эркатмаслик, ажойиб инсонлар намунаси орқали ўғил-қизларнинг феъл-атвор хислатларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Президентимиз Ислом Каримовнинг “Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир” деб номланган китобларида шундай фикрлар бор: **“Бу дунёда ҳар бир инсон, ҳар бир оила ўзининг муқаддас орзу ва ниятларига етиш учун яшайди. Агар ҳар бир оила ўз нияти йўлида бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилса, албатта, унга эришади.**

## **Бугун ҳалқимиз ана шундай ниятлар билан яшаяпти.**<sup>16</sup>

Албатта, ҳар бир ота-онанинг энг муқаддас орзу-ниятларидан бири – бу фарзанд кўриш, уни ҳар томонлама ривожланган этиб тарбиялаш, яхши касб, чиройли қалб эгаси, етук шахс этиб вояга етказиш. Шахснинг ким бўлишидан қатъи назар, энг аввало инсонпарварлик хусусиятлари, одамларга бўлган илиқ муносабат, ўзаро ҳурмат, бир сўз билан айтганда, оилада инсонпарварлик тарбияси ҳар қандай тарбиядан устундир. Оилада инсонпарварлик тарбияси ота-онадан руҳиятга оид махсус билим, энг зарур хатти-ҳаракат кўникмалари, ижтимоий ҳаётдаги амалий жиҳатдан ибратли тарбия муаммолари тўғрисида бирмунча тасаввурга эга бўлишни тақозо этади. Шунинг учун қадимги удумларга асосланиш билан бирга замон руҳи, нафаси, давр талабларига кулоқ тутиш ҳам фойдадан холи эмас. Демак, оилада инсонпарварлик тарбиясида кўпроқ қоришиқ усул ва воситаларга мурожаат қилишга тўғри келади.

Оилада болалар шахсини шакллантириш, энг муҳим руҳий жиҳатлар билан қуроллантириш кўпинча ўзаро муносабатларга боғлиқ бўлади. Оиланинг камол топган аъзолари, биринчи навбатда ота-оналар ўз фарзандларининг руҳий хусусиятларини яхши билиши, бола тарбиясига тўғри ёндашиши оилавий тотувлик, ҳамжиҳатлик, ўзаро муносабатларда меҳр-оқибат ва илиқлик, маънавий барқарорликни таъминлайди.

Оилавий муҳитда фарзандларга нисбатан қилинган қўпол, ноўрин, нохуш муомала уларнинг шахси ва руҳиятига салбий таъсир кўрсатади, тасаввур ҳамда таассуротлари оламида маълум из қолдиради, бола кайфиятида тушкунлик, умидсизлик, танҳолик руҳини вужудга келтиради.

---

<sup>16</sup> Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. – Т. “Ўзбекистон”, 2015, 75-б.

Шахсни инсонпарварлик руҳида тарбиялашда болада ахлокий укув ва малакалар, миллий урф-одатлар, ишбилармонлик, ишчанлик хислатлари, ақлий қобилиятни шакллантиришнинг ибрат-намуна тарзида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Мазкур тарбиявий тадбирларни амалиётда қўллаш учун ҳаётий мисоллардан, бадиий адабиёт материалларидан, машҳур кишилар ҳақидаги хотира ва эсдаликлардан, шунингдек уларнинг таржимаи ҳолидан фойдаланиш яхши натижа беради.

Ота-оналар, катта ёшдаги оила аъзолари ўғил-қизларда халқ маросимларига нисбатан илиқ муносабатни, самимий ҳис-туйғуни тарбиялашлари керак. Жумладан, миллий байрамлар, тўй, миллий кураш ва мусобақа, сайллар ва уларни ўтказиш йўллари, қоидалари, мавсуми, мавриди тўғрисида аниқ тушунча бериш зарур. Маҳалла, қариндош, қўни-қўшниларникида ўтказиладиган тадбирларга ёшларни жалб этиш ижобий самара беради. Шу билан бирга, ота-оналар, оиланинг кекса, вояга етган аъзолари кичик ёшдаги ўғил-қизларни меҳмон кутиш, дастурхон тузаш, ҳол-аҳвол сўраш, саломлашиш, меҳмонга бориш қонун-қоидаларидан хабардор қилишлари лозим.

Миллий анъаналардан, урф-одатлардан, маросимлардан ва расм-русумлардан келиб чиққан ҳолда оилада катталарга, ота-онага, қариндош-уруғларга, ўқитувчиларга ҳурмат-эҳтиром ҳиссини шакллантириш, ўтмиш авлод томонидан яратилган, тўпланган миллий бойликларга, обидаларга меҳр-муҳаббат руҳини сингдириш оиланинг муқаддас вазифасидир. Айниқса, оила даврасида ота-оналар ва оиланинг катта аъзолари кичик ёшдаги ўғил-қизларга атроф-муҳит, табиат муҳофазаси ҳақида маълумотлар беришлари шартдир.

Оилада инсонпарварлик тарбия масалаларида энг муҳим хусусиятлардан бири – шахсни меҳнатда ва меҳнат орқали тарбиялашдир. Оилада меҳнат тақсмотини тўғри амалга ошириш фарзандларда ҳар хил кўникма ва малакаларни таркиб топтиради, уларда меҳнатсеварлик,

меҳнат кишисига хурмат, унинг меҳнати қадрлаш туйғуларини вужудга келтиради. Меҳнатнинг ижтимоий турмушдаги роли, таракқиёт, мўл-кўлчилик манбаи эканлигини фарзандлар онгига сингдириш яхши самара беради. Меҳнат тарбияси орқали болалар меҳнат кундалик эҳтиёж, зарурият эканлигини билиб борадилар, меҳнат қилишни ижтимоий ва фарзандлик бурчи деб ҳисоблай бошлайдилар.

Болаларда меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик туйғусининг намоён бўлишида оналарнинг сеҳрли алласи алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳар бир қиз-жувон алла айтишни ўрганиши керак. Ўз навбатида оилада буви ва момолар, оналар вояга етаётган фарзандларига алла айтишни ўргатишлари зарур. Ҳозирги кунда аллалар мутлақо камайиб кетган. Кўпгина опа-сингилларимиз ҳатто алла айтишни ҳам билмайдилар, айтганлари ҳам юзаки, мароқсиз, бола қалбини тўлқинлантирмайди. Энг яхши эзгу ният билан яна аллалар оламига қайтадан мурожаат қилсалар, хайрли иш бўлур эди. Чунки алла сеҳрини ҳис қилмаган фарзанд инсоннинг, атроф-муҳит, табиатнинг гўзаллигини чуқур билмайди. Миллий одатимизга кўра бешик алла билан ўз моҳиятини очади, бўлғуси алломаларга нур-зиё бахш этади, уларда хуш кечинмалар ҳосил қилади, тозалик, озодлик қоидаларига тўла жавоб беради.

Хулоса қилиб айтганда, оилада инсонпарварлик тарбияси, боланинг етук шахс сифатида шаклланиши учун ота-оналар ва катта ёшдаги оила аъзолари боланинг ўзига хос сифатларини яхши ўрганишлари керак. Шахсни ўрганишда кузатиш, суҳбат, тажриба, меҳнат маҳсулини таҳлил қилиш, миллий урф-одат, кадриятларни сингдириш каби усуллардан фойдаланиш яхши самара беради.

Демак, оилада инсонпарварлик тарбиясини тўғри йўлга қўйиш учун аниқ режа асосида, узлуксиз равишда тарбиявий таъсир ўтказиш йўлларини такомиллаштириб бориш зарур.

#### 4-§. МЕДИАТАҲДИДЛАР ВА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Бугунги кундаги ҳаётимизда “медиатаҳдид”, “медиамарказ”, “медиамаданият”, “медиахавфсизлик” каби сўзларни тез-тез учратамиз. Бироқ, баъзан бу сўзларнинг маъно-мазмунига чуқур етиб боравермаймиз.

“Медиа” сўзи лотинча *восита, ўртада турувчи*, деган маъноларни англатади<sup>17</sup>. Бошқачароқ ифодаласак, медиа инсонларнинг маънавий-маърифий, яъни ахборот олиш, билим олиш эҳтиёжларини қондириш воситаси демакдир.

Медиани пичоқ, олов, сув каби холис восита дейиш мумкин. Масалан, врачнинг кўлидаги тиг беморни соғайтириш учун муҳим восита бўлиши мумкин. Жиноятчининг кўлидаги тиг эса соғлом одамни жароҳатлайди ёки ўлдиради. Худди шундай оловнинг инсон ҳаётидаги ўрни қанчалик аҳамиятли бўлиши билан биргаликда, унинг кўпайиб кетиши ёки нобоп жойга тушиши кучли хавф-хатар – ёнғинни келтириб чиқаради.

Медиа тушунчасини ҳам ана шундай талқин қилиш мумкин. Агар ундан меъёрида, мақсадли фойдаланилса, у инсон учун – билимлар манбаи, агарда онгсиз равишда ноўрин фойдаланилса, у инсон учун бало-қазолар манбаи бўлиши ҳеч гапмас. Демак, гап медиада эмас, ундан фойдаланувчиларда, аниқроғи ҳар бир инсоннинг медиамаънавиятига боғлиқ бўлиб чиқади.

Буюк Британиялик медиапедагог Д.Букингемнинг фикрича, “Ахборотлашган жамиятда ёшлар, албатта медиамаҳсулотларни пассив қабул қилишади ва албатта, медиаматериалларнинг қурбонлигига айланишади”.

Бироқ, медиапедагогика боланинг ўзини, яъни шахсини марказий ўринга қўяди. Боладаги медиабилим ва тажрибага асосланади.

---

<sup>17</sup> М.Курунов, Ш.Тўраев ва б. Мафкуравий ҳаётнинг долзарб мавзулари. Ўқув курси материаллари. Тошкент, 2012 .



Медиа – маънавий маҳсулотларнинг виртуал бозори. Бу бозорда ҳеч ким “молим ёмон”, демайди. Бузғунчилар, жоҳиллар ҳам ўзларининг ёвуз ниятлари, бузғункор ғоявий маҳсулотларини “молим яхши”, деб бозорини юргизмоқчи бўлади.

Демак, гап одамнинг ана шу виртуал бозор таклиф этаётган маҳсулотларни харид қилишда адашмаслигида кетаяпти. Медиабозордан фойдаланиш ҳар бир инсоннинг маданият ва маънавиятига боғлиқ бўлади.

*Биринчидан*, ёш йигит-қизлар медиаматнларни ўқиётган ёки томоша қилаётган пайтда, уларни қабул қилиши, таҳлил қилиши, баҳолашлари, шунингдек замонавий жамиятда медиамаҳсулотларнинг ижтимоий, маънавий, мафкуравий, маданий контекстини тушунишлари керак. Бу эса одамларнинг медиамаданиятни қандай қабул қилишларига боғлиқ.

Ҳар бир одам ёки унинг компютери очик тизимлардир, яъни одамларнинг виртуал олам билан фикр, ресурс алмашиб, мулоқотда яшаш имкониятлари мавжуд. Шундай экан, ҳар биримиз у ёки бу таҳдидга нишон бўлишимиз мумкин.

Ёвуз ғоялар ҳамма вақт мавжуд бўлган. Лекин уларнинг кенг ёйилиши учун минглаб ташвиқотчиларнинг тинмай юриб, тушунтириш олиб боришлари керак бўлган. Шу билан биргаликда, эзгу ғоялар, халқларнинг миллий қадриятлари ва анъаналари вайронкор ғояларга қарши турган. Ана шунинг учун вайронкор ғояларнинг ҳаммаси ҳам цивилизацияга катта зарар етказа олмаган.

Шундай экан, ёшларни медиахавфсизликдан сақлаш учун уларга медиа маҳсулотларни танлаш ва фойдаланишни ўргатиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бирига айланди. Бироқ, муаммо шундаки, ота-оналар, ҳатто баъзи ўқитувчилар ҳам ўз болаларига медиамаданиятни ўргата олмайдилар. Бунинг устига ахборот технологияларининг шитоби шунчалар тезки, унга ёшларнинг ўзлари ҳам зўрға етиб олишаётир.

*Иккинчидан*, медиамаҳсулотлар ҳам товар ёки маънавий маҳсулот кўринишида бўлиши мумкин. Моддий нарсаларга эътиборсизлик, тартибсиз, назоратсиз еб-ичиш ошқозонни бузади, турли касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Маънавий маҳсулотларни қабул қилиш эса, ундан-да кўпроқ эътибор ва ҳушёрлик талаб қилади. Медиамаҳсулотларни қандай бўлса, шундай қабул қилиш асрлар давомида ёшлар маънавиятида шаклланиб келган миллий қадриятларимиз тизимини издан чиқаради. Қадриятлар тизими бузилса, уни дори-дармон билан тузатиб бўлмайди.

**Медиамаданият** – бу турли медиамаҳсулотларни таҳлил қилиш, баҳолаш, яратиш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакалар йиғиндиси. Маънавий медиамаҳсулотларни қабул қилишдан олдин унинг тарғиботи, маълумот тарқатувчининг мақсади ва мазкур маҳсулотга нисбатан аҳолининг танқидий баҳоси билан атрофлича танишмоқ керак. Бошқача айтганда, ҳар бир маҳсулотни мафкуравий иммунитет орқали, ички текширувдан ўтказиб, шундан кейингина қабул қилиш мақсадга мувофиқ. Бундай маданият медиамаҳсулотларга танқидий ёндашувини белгилаб беради. Чув тушиб, алданиб қолишлардан инсонни асрайди.

Украиналик мутахассис С.М.Стерденко медиамаданияти юқори бўлган кишини мана бундай тасвирлайди:

- медиабоғланишларнинг сони ва давомийлиги режалаштирилган бўлади;

- ўзига керакли ахборотни ўз вақтида тўғри танлай олади;

- ахборотга танқидий ёндашади, чунки медианинг зарарли таъсирларини яхши билади, қаршисида очилган медиаматнни ўз маънавий-мафкуравий филтритдан ўтказиб, кейин қабул қилади;

- медиамаҳсулотлардан фойдаланишда одоб-ахлоқ меъёрларига амал қилади;

- медиамаҳсулотларни ўзи ярата олади.

Сўз мулкининг султони, буюк мутафаккир аллома Алишер Навоий бобомиз огоҳликнинг шахс ва жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти ҳақида шундай ёзганлар:

*Эрусен шоҳ – агар огоҳсен сен,*

*Агар огоҳсен сен – шоҳсен сен.*

Ушбу сатрларда огоҳликнинг инсон ҳаётида нақадар муҳим эканлиги акс этган. Бу замон ва маконларга бўйсунмайдиган универсал медиақонуният эмасми?

Немис олимлари медиақонуниятга таяниб, муҳим кашфиётлар қилишди. Улар:

- *муҳим маълумотга эга бўлиш – бу ҳокимиятга эга бўлиш;*

- *кераклисини кераксизидан ажратилиш ва янада кўпроқ ҳокимиятга эга бўлиш;*

- *керакли маълумотларни ўз режиссурасига асосланиб тарқатиш ёки ушлаб туриш орқали икки қарра ҳокимиятга эга бўлиш.*

Медиабозорда тайёрловчи, тайёрланган маҳсулот, маҳсулот(ахборот)ни етказиб берувчи ва истеъмолчи иштирок этади.

**Тайёрловчи** – бу ғоя муаллифи, материалларни тўплайди, таҳлил қилади ва медиамаҳсулотни тайёрлайди.

**Маҳсулот(ахборот)** – матн, белги, сурат ва рамзларда ифодаланган маълумот.

**Маҳсулот (ахборот)ни узатиш воситаси** – бу медиа.

**Истеъмолчи** – бу ахборотни олувчи, ўрганувчи, талқин қилувчи шахс.

Баъзи иш берувчилар ходимни кўпроқ ишлатиб, маошни камроқ бериш учун турли-туман вазларни келтиради. Тўй маслаҳатини қилаётган қудалар ҳам, музокара олиб бораётган дипломатлар ҳам ахборотдан фойдаланиб, рефлексив бошқарув технологиясини ишга солишади. Мақсад – ўзи, оиласи, мамлакати учун қулай шарт-шароитларга эга бўлиш. Булардан кўринадики, ахборот – манфаатларга эришишнинг асосий қуроли экан.

Бу механизм бозорлардаги сотувчи-харидор муносабатларини эслатади. Сотувчи нима қилиб бўлса ҳам кўпроқ мол сотсам, дейди. Уни “ўтказиш” учун турли хил усулларни қўллайди: камчиликларини яширади, афзалликларини оширади. “Ҳозир ҳамма биздан шуни олишяпти. Мана, ўзим ҳам шундан кийганман”, деб қўйишади.

Натижада, харидор молни ўзининг эмас, бировнинг гапига ишониб, харид қилади. Аслида бозорда битта яхши қовун танлаш учун ҳам билим керак. Яхши қовун қандай бўлишини билмаган одам қайта-қайта алданаверади. Худди шунингдек, ахборотлар базасидан керакли, фойдалисини ажратиб олишни билмаган йигит-қиз ҳам ёлгон, айниган, “қовурилган” ахборотларга алданаверади.

**БУГУННИНГ СТРАТАГЕМАЛАРИ:** глобаллашган дунёда ёшлар манипуляторлар – бўйидан, энидан, вазнидан уриб сотувчилар, одам савдогарлари, диний экстремистлар, фирибгарлар билан бирга яшашларига тўғри келади. Бундай шароитда ҳар бир ёш йигит-қиз уларга нимани қарши қўйишни, ўзини қандай ҳимоя қилишни ҳам билишлари керак, албатта. Бунинг учун улар фирибгарлар билан қандай гаплашиш, ҳаётда учрайдиган қалтис вазиятларда мустақил равишда, тўғри қарор қабул қила олишга тайёр бўлишлари керак бўлади.

Ўзининг асл ниятини яшириб, хийла билан муваффақиятларга эришишга интилувчилар доимо бўлган. Бундай усулни, баъзан, дипломатия ёки ҳарбий санъат деб аташган. Мазкур санъат ҳақида “36 стратагема ҳақида қисса” номли китоб ҳам битилган. *Стратагема* – рақибни қопқонга туширишнинг стратегик режаси, деган маънони англатади. Уни қўлловчилар ўзларини тўғри қилиб кўрсатиш учун “Ахир бу зийраклик, ижодқорлик, топқирлик-ку”, - дейишади. Шу маънода интернет содда ёшларни қопқонга тушириш, медиафирибгарлик майдони ҳамдир. Юқоридагилардан кўринадики, ҳар бир инсон медиафирибгарликдан ҳимояланган бўлиши зарур.

Бугунги глобаллашув, яъни барча соҳаларда ҳаёт суръатлари мислсиз тезлашиб бораётган бир пайтда, огоҳлик универсал аҳамият касб этмоқда. Бу эса, айти пайтда, униб-ўсиб келаётган ёш авлодни янада муҳим фазилатлар, энг аввало, огоҳлик ва ҳушёрлик билан бойитишни тақозо этади.

Хитойлик машҳур саркарда, моҳир стратегаем Сун Цзи “Юзта жангда ғалаба қилиш эмас, балки душман армиясини жангсиз енгиш – санъатдир”, деган эди. Бу фикр бугунги мафкуравий курашлар учун айтилгандек туюлади. Чунки виртуал ҳудуддаги фирибгарликлар, алдовлар, кўркитишлар, психологик ва рефлексив ўйинлар, сиёсий фитналар, мистификация, манипуляция, гиж-гижлашлар, тарғибот, психологик урушлар, одамни бошқариш, реклама кампаниялари, сиёсий ва тижорат рекламалари, дезинформация – буларнинг барчаси реал одамни сездирмай бошқаришнинг усулларини ташкил қилади.

Одамнинг ўзига билдирмай, ўзига зарарли қарор қабул қилдириш *рефлексив бошқариш* дейилади. Бунда алдамчи ҳаракатлардан, ниқоблардан, турли “воқеалар яратиш”дан фойдаланилади. Натижада, одам бировлар унинг учун олдиндан белгилаб қўйган натижага келади: товарни сотиб олади, бирор махфий ташкилотга аъзо бўлади, айтилган ҳисоб рақамига пул ўтказилади, одам савдогарига паспортини топширади ва ҳоказо.

**МАНИПУЛЯЦИЯ:** Интернетга кирган ҳар бир киши ўзи учун тайёрлаб қўйилган “кун тартиби”ни кўради. Кимлардир, ўзлари билган ёки билмаган ҳолда, “юлдуз”лар ҳаёти, сиёсат, иктисодиёт, технология янгиликларидан хабардор бўлишади. Ана шундай пайтда, ҳар бир шахснинг медиаогоҳлиги, медиасаводхонлиги кўринади. Медиаогоҳлик медиаматнларни танқидий баҳолаш, талқин ва таҳлил қилишда намоён бўлади. Бу эса инсон ҳаёти учун жуда муҳим. Чунки бирон кишини бир сайт қаҳрамон деса, иккинчи бир сайт жинойатчи деб

тавсифлайди. Бирон воқеани бир сайт қонунбузарлик деса, бошқаси демократия намойиши дейди. Ана шундай вазиятлар ҳар бир кишидан мустақил, танқидий ва таҳлилий фикрлашни талаб қилади.

Медиамуҳитда танқидий фикрлаш қандай бўлади? *Танқидий медиафикрлаш* – бу ҳар бир йигит-қизнинг медиаматнлардаги манипуляция ҳолатларини топиш, таҳлил қилишга қаратилган билим, кўникма ва малакалари мажмуасидир.

*Медиаманипуляция* – бу интернетдан фойдаланувчиларга у ёки бу ғояларни тиқиштириб, таъсир кўрсатиш, уларни ўз йўлларида чалғитиш, адаштиришга қаратилган медиаприём ва усуллар тизими. Бунда медиаманипулятор дезинформация – ёлғон маълумотлар киритилган медиаматнлардан фойдаланади.

Айрим сайтларда дин никобида экстремизм ва терроризмга даъват қилувчи маълумотлар тарқатилади. Медиатеррорчилар мақсадли, режали ҳолда одамларда кўркув, саросима, ваҳима туйғуларини уйғотувчи ресурсларни яратиб, кўпайтириб, тарқатиб, одамларни саросимага солади. Мақсад – одамларни диний экстремистик, террористик майллар асосида рефлексив бошқариб, ўзларига керакли хулқ-атвор моделларини шакллантириш. Шунинг учун ҳар бир ёш йигит-қиз, аввало анъанавий, ота боболаримиз эътиқод қилиб келган, асрлар синовидан ўтган диний қадриятларимизни яхши билиб, танқидий фикрлаш орқали сохта талқинларни дарҳол англаб етиб, уни тезда фош қила олишлари зарур. Бироқ, ёлғонни ҳақиқатдан ажратиш, қаршисида турган ёки Интернет матнидаги яширин қабих ниятни англаб олиш осон иш эмас. Чунки баъзилар зийракроқ бўлса, баъзилар эса соддадил бўлишади.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда ёшлар маънавиятига қаратилган турли таҳдидлар жумладан, ғоявий, мафкуравий, информацион таҳдидлар хуружи кучайиб бормоқда. Бу каби маънавий таҳдидларнинг

зарарли оқибатлари, аввало ёшларнинг маънавиятига ўз таъсирини ўтказди.

Бугун Интернет орқали ёшлар турли сайтларда билимларини оширади, махсус, тил ўрганиш учун мўлжалланган сайтларда чет тили амалиётларини ўташади, ижтимоий сайтларда эса ўзаро фикр алмашиб, янги дўстлар орттиради. Бири илм олиш учун фойдаланса, яна бири янгиликлардан хабардор бўлиш учун, баъзилари клип, видео, мусиқалар тинглаб, уларни юклаб олса, бошқаси бекорчиликдан, зерикканидан, вақтини ўтказиш учун фойдаланади. Масалан, Интернет кафеларда аксарият ёшлар эканлигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Интернет кафеларга кирган ёшлар у ерда узоқ қолиб кетиб, ўзларининг қимматли вақтларини бекорга йўқотиб қўйишларини ҳам ҳисобга олиш даркор.

Бундай ачинарли ҳолатларнинг олдини олиш учун, оилада ота-она Интернетдан фойдаланиш қондасини яхши билиши, фарзандлари билан биргаликда ишлаши ва албатта, болаларни доимий назоратда тутишлари зарур.

## 5-§. СОҒЛОМ ОИЛА – МАҲАЛЛА ФАРОВОНЛИГИ ГАРОВИ

Оила жамиятнинг асосий бўғини сифатида эътироф этилади. Жамиятдаги ижтимоий муносабатларнинг шаклланиши оиладаги маънавий муҳит билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис, Шарқ халқлари тарихида оила ва фарзанд тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келинган.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаларида бу хусусда куйидагиларни таъкидлайдилар:

**“Маълумки, бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Ҳар қайси онгли инсон жондан азиз фарзандининг бахтини, камолини ўйлаб, ҳамиша эзгу орзу-интилишлар билан яшайди, ўз зурриёдининг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлишини истайди.. .**

**Соғлом бола соғлом ва аҳил оиланинг меваси бўлиб, фақатгина соғлом онадан соғлом бола туғилади. Асрлар давомида ўз тасдиғини топган бу ҳақиқатни тушунтириб, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман.**

Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йилнинг **“Соғлом она ва бола”** йили деб эълон қилингани ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ватанимиз равнақи ва фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишларни янада юқори босқичга кўтаради.

Маълумки, оилада онага етарли шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш учун оила аъзоларининг ҳар бири ўз маъсулиятини ҳис этиши керак. Оила аъзоларининг онага бўлган муносабати, кўпинча онанинг соғлиғига, унинг ўз вақтида овқатланиши ва дам олишига таъсир кўрсатади. Она вужудидаги ўзгаришлар эса, ўз



навбатида ҳомиланинг ўсишига таъсир кўрсатади. Психологларнинг фикрича, ҳатто ҳомиладор она эшитадиган куй ва қўшиқлар ҳам боланинг физиологик ҳолатининг ўзгаришига сабаб бўлади. Буларнинг барчаси ҳомиладор аёлга, умуман аёлларга нисбатан доимо хушмуомалада бўлишни талаб қилади.

Халқимизда фарзанд дунёга келгач, аввало, унга чиройли исм қўйишган. Зеро, фарзандга қўйилган исм ҳам инсон тақдирига таъсир этади, деган фикрлар мавжуд. Бола ёшлигидан оила аъзолари томонидан илм ва ҳунарга ўргатиб борилган, шу тариқа унинг жисмоний ва руҳий камолоти оилада шаклланган. Бу хусусда Кайковус “Қобуснома” асарида ҳам тўхталиб ўтади: *“Эй фарзанд, агар фарзандинг бўлса, анга яхши от қўйгил, нединким, отада фарзанд ҳақларидан бири, унга яхши от қўймоқдир. Яна бири улдурким, фарзандни оқил ва меҳрибон дояларга топшургайсан. Суннат қилур вақтида суннат қилгайсан, қудратингга лойиқ тўй ва тамоша қилгайсан ҳамда ўқишни ўргатгайсан. Улуғроқ бўлгондан сўнг, агар раият бўлсанг, унга ҳунар ва касб ўргатгайсан”*<sup>18</sup>.

Оилада соғлом боланинг камол топишига кўпгина омиллар таъсир этади. Боланинг руҳан соғлом, жисмонан бақувват бўлиб камол топиши нафақат оиладаги маънавий муҳит, балки оиланинг шаклланиши, тарихи ва генетик хусусиятлари билан боғлиқ бўлади. Азалдан шаклланган қўни-қўшничилик, маҳалла урф-одатлари, расм-русмлари ҳам оиланинг ижтимоий ҳаётида муҳим ўрин тутаяди.

Бугунги кунда оилаларда соғлом маънавий муҳитни яратиш, ёш авлодни мустақил фикрлайдиган, буюк тарихий меросимизга муносиб қилиб, ана шундай бебаҳо бойликларимизни қадрлайдиган, замон билан ҳамнафас бўлиб қадам ташлайдиган, юртимиз тақдирига дахлдорлик ҳисси билан яшайдиган, етук шахслар сифатида шакллантириш, айниқса уларда мафкуравий

---

<sup>18</sup> Унсурулмаолий Кайковус. Қобуснома. – Т.: “Ўқитувчи”, 1986, 83-б.

иммунитетни янада мустаҳкамлашда маҳалланинг ўзига хос таъсири ва ўрни бор.

Айни пайтда, ўз олдига катта марраларни қўяётган, бор кучи, билими ва ғайратини ватанамиз равнақи йўлида сарф этишни истаган ҳар бир ёш авлодга масъулият ҳиссини сингдиришда маҳалла фаолларининг ҳаққоний сўзлари ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини ҳеч қачон унутмаслигимиз лозим.

Маҳаллаларда ижтимоий-сиёсий вазият, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, бу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш – бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Зеро, тез ўзгариб, мураккаблашиб бораётган замоннинг ўзи, тобора кучайиб бораётган турли таҳдид ва хатарлар маҳалла тизими олдига ҳам ўткир ва масъулиятли талабларни қўймоқда.

Эндиликда маҳалла фуқаролар йиғини раиси фақатгина маълумотнома берадиган, тўй-маъракаларда бош бўладиган инсонгина бўлиб қолмай, халқ вакили сифатида унинг хоҳиш иродасини ҳокимият органларига олиб чиқадиган, ўз навбатида мамлакатимиз ҳаётидаги ўзгаришлар, сиёсий жараёнлар билан маҳалладошларини хабардор қилиб борадиган, бу борада маълум бир ваколатларга эга бўлган шахс даражасига кўтарилди.

Фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари ҳудудларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдек масъулиятли вазифаларни бажариб келмоқда. Бундай саъй-ҳаракатлар юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, фуқаролар ва миллатлараро тотувлик ҳамда ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.

Шунингдек, маҳаллаларда оилаларнинг фаровонлиги ва ўзаро аҳил бўлиб яшашига кўмаклашиш, оилавий низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш, миллий ва маънавий кадриятларимизга таянган ҳолда, аҳоли ўртасида соғлом

турмуш тарзини кенг тарғиб этишга кўмаклашиш мақсадида маҳаллаларда Яраштириш комиссиялари фаолият олиб бормоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органилари хузурида фаолият юритувчи “Ота-оналар университети” эса фуқаролар йиғини ҳудудидаги оилаларда фарзанд тарбиясига оид масалаларда ота-оналарнинг малакасини ошириш, ёш авлодни тарбиялаш бўйича уларнинг ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий ва физиологик билимларини оширишга кўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаси сифатида самарали ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бинобарин, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий мақсади маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳудудидаги фуқароларнинг манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ижтимоий фаоллигини ошириш, маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Бугунги глобаллашув жараёнларининг шиддати ўзини ўзи бошқариш органиларидан янада кўпроқ фаоллик ва жонбозликни талаб этади.

Шу ўринда баркамол авлодни тарбиялашда фуқаролар йиғинларидаги “Оила – маҳалла – таълим муассасаси ҳамкорлиги” доирасида амалга оширилаётган тадбирларни алоҳида таъкидлаш жоиз. Ушбу ҳамкорлик доирасида тарбияси қийин, жиноятчилик, ҳуқуқбузарликларга мойил бўлган ёшлар, профилактика инспектори ҳисобида турувчи ёшлар, васийлик ёки ҳомийликка олинганлар, давомати суғурувчилар рўйхати шакллантирилган бўлиб, Вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссия аъзолари томонидан улар билан яқка тартибда иш олиб борилмоқда. Фарзандлари тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётган ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар билан алоҳида

суҳбатлар ўтказилиб, уларга маҳалла фаоллари бириктирилмоқда.

Маҳалла тизимида олиб борилаётган бу каби кенг кўламли ишлар оилаларда соғлом муҳит яратилишига хизмат қилади. Маҳалладаги ҳар бир оиланинг тинчлиги, оила аъзоларининг жамиятда ўз ўрнини топиши, ҳаётдан бахтиёр ва мамнун яшашлари эса, шубҳасиз, маҳалланинг фаровонлик даражасини белгиловчи асосий омиллардан биридир.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда маҳалла гузарларида пойфзал тикиш ва таъмирлаш устахоналари, тикиш цехлари, радиотелеаппаратураларни таъмирлаш устахоналари, новвойхона, саргарошхона, миллий хунармандчилик устахоналари, компьютер марказлари ташкил этиш, шунингдек ёш оилаларни кичик оилавий бизнесга жалб этиш ва уларни моддий-маънавий қўллаб-қувватлаш учун барча зарур ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилган.

Инсоннинг оилада шаклланган ва маҳаллада сайқал топган иймон-этиқоди, одоби, орияти ва виждони, ақл-заковати, тафаккури маҳалла муҳитида янада юксалиб, халқ манфаатлари, ўзаро иноқлик ва ҳамкорлик ҳис-туйғулари билан уйғунлашиб, жамиятда соғлом муносабатларнинг шаклланишига олиб келади.

**Маҳалла** – бу ҳар бир инсоннинг киндик қони тўкилган муқаддас маскан, табаррук замин. Шу сабабдан у “кичик Ватан” деб ҳам аталган. Халқимизда жамоа бўлиб яшаш ўзининг узоқ тарихий илдизларига эга. Тарихий-илмий манбалардан маълумки, бундан бир неча минг йиллар олдин қадим Туронзаминда маҳалла маъмурий-худудий бирлик ҳисобланган. Одамлар уруғ-уруғ, жамоа-жамоа бўлиб яшаганлар. Жамоа аъзоларининг тақдири, ҳаёти ва бир-бирига бўлган муносабати қатъий назоратда бўлган. Шу тариқа маҳаллаларда кўпгина ҳаётий муаммолар ўз ечимини топиб, жамоатчилик назорати юритилган. Ана шу нуктаи назардан қараганда, маҳалла

узоқ анъаналар, бой маънавий-ахлоқий қадриятларга эга бўлган улкан ҳаёт мактабидир.

Юртимизни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, табиатнинг софлиги учун курашмоқ, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва ҳудуднинг кўркемлигини таъминлаш борасида ҳам маҳалланинг алоҳида ўрни бор. Зеро, ҳар биримиз маҳаллада яшаймиз ва шу маҳалла ҳавосидан нафас оламиз. Сув ва ҳавонинг софлиги, ер ва унинг ҳосилдорлиги, экологик тозалик ва инсон саломатлиги ҳар жиҳатдан маҳалла аҳлининг қанчалик тежамкор ва оқилона хўжалик юритишига боғлиқ.

Она табиатни муҳофаза қилишдан асосий мақсад инсон саломатлиги учун экологик мувозанатни сақлаш, республикамизни самарали ва барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш манфаатлари йўлида табиатдан оқилона фойдаланиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, жонли табиатнинг турлари ва генофонд бойлигини, экология тизимлари, ландшафтлар ва ноёб табиат объектлари хилма-хиллигини сақлаб қолиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, табиат объектлари билан боғлиқ маданий меъросни асраб қолишдир.

Табиат алоҳида бир халқ ёки миллатники эмас. Табиат – муқаддас гўша. Уни кўз очиб кўрган инсон учун табиат мисоли она кучоғи, гўзал бешиқдир. Биз яшаб умргузаронлик қилаётган, жону-танзимиз билан боғлиқ бўлган табиат, ташқи дунё, она замин инсониятнинг умумий уйи, муқаддас масканидир. Шундай экан, уни кўз қорачигидек асраб-авайлаш, атроф-муҳитнинг ифлосланишига йўл қўймаслик умуминсоният ишидир.

Инсон ҳаёти уни ўраб турган табиий муҳит билан узвий боғлиқ бўлиб, у кишиларнинг фаровон ҳаёт кечириши ва узоқ умр кўриши, соғлиғига катта таъсир этади. Чунки инсон ана шу ижтимоий муҳитда, маҳаллада ўзининг шахсий фазилати ва хатти-ҳаракатларини намоён этади.

Инсон табиат ҳосиласи бўлиб, у табиатда яшайди, тараққий этади ва зурриёд колдиради. Баркамол фарзандлар дунёга келишида соф экологик муҳит зарур. Шундай экан, инсондан табиат қонунларига онгли муносабатда бўлиб, ундан тежамкорлик билан фойдаланиш талаб этилади. Акс ҳолда инсон табиатдан узоқлашади ва жазоланади.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўринадикки, эл ободлиги, аввало маҳалла ободлигидан бошланади. Маҳаллани тоза ва озода асраш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчи бўлиши керак. Шу билан биргаликда маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарли дарахтларни кўпайтириш инсон саломатлигига кони фойда келтиради. Экологик муҳитни тоза ва табиий асраш учун ҳар биримиз масъулдирмиз.

Мамлакатимизда табиатни муҳофаза қилиш кенг кулоч ёйган. Айниқса, бу соҳада миллионлаб одамларни бирлаштирувчи жамоатчилик институти – маҳалланинг ҳиссаси катта. Улар табиатни ҳимоя қилиш ҳақидаги чоратadbирларни изчиллик билан амалга ошириб келмоқда.

Кўчалар ва йўлақларни озода тутиш, аҳоли яшайдиган уйлар ва ҳовлиларни тоза ва кўркем қилиш одамга қанчалик фароғат бахш этади. Ота-боболаримиз қадим замонлардан бери уйлар атрофининг тоза ва озода бўлиши, яшил дарахтларни кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратишган. *“Бирни кесда, ўрни эк”, “Минг туп чинор эккан – элда кам бўлмас”, “Нима эксанг, шуни ўрасан”, “Хизр кирсин десанг, ҳовлингни озода тут”* сингари ўзбек халқ мақол ва маталларидан ҳам кўриниб турибдики, халқимиз она табиатга нисбатан ниҳоятда эътиборли ва эҳтиёткор бўлишган. Ахир бир туп дарахт бир суткада инсон учун ҳаёт манбаи бўлган ҳавони қанчалик кислород билан бойитиши ва қанчалик зарарли газларни ўзига ютишини бугун барча яхши билади ва тушунади.

Бундай миллий удум ва анъаналаримиз ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки, етишиб

келаётган ёш авлодни ана шундай ноёб ва бетакрор кадриятларимиз руҳида тарбияласак, мамлакатимизнинг ривожига ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

**Миллатлараро тотувлик** ғояси – умумбашарий кадрият бўлиб, турли хил халқлар биргаликда истиқомат қиладиган минтақа ва давлатлар миллий тараққиётини белгилайди, шу жойдаги тинчлик ва барқарорликнинг кафолати бўлиб хизмат қилади. Бу ғоя – ҳар бир миллат вакилининг истеъдоди ва салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун имконият яратади ва уни Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги каби эзгу мақсадлар сари сафарбар этади.

Таъкидлаш жоизки, 2013 йилда маҳалланинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари янги таҳрирда қабул қилинди ва унинг ижросини таъминлаш фуқаролар йиғинлари олдида турган муҳим вазифалардан биридир.

Юртимизда яшовчи фуқаролар ва миллатлар ўртасида ўзаро иноқликни таъминлаш, сўз, виждон, диний эътиқод эркинлиги ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидаларига амал қилиш – Ўзбекистоннинг давлат суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигининг гаровидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 8-моддасида “Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади” деб белгилаб қўйилган. “Ўзбекистон халқи” тушунчаси мамлакатимизда яшаб, ягона мақсад йўлида меҳнат қиладиган турли миллат ва элатларга мансуб кишилар ўртасидаги ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик учун маънавий асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, Конституциямизда “Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва

элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва анъаналарининг ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратади” деб таъкидланган.

Ўзбекистон халқи ҳаёти ва тафаккурида, мамлакатимизда яшаётган ҳар бир миллат вакилининг онгу шуурида содир бўлаётган ижобий ўзгаришлар, энг муҳими, ягона Ватан туйғусининг мустаҳкамланиб бораётгани барчамизни қувонтиради. Юртимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элат вакиллари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик республикаimizдаги ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва умуминсоний қадриятларнинг янада тараққий топишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ҳозирда мамлакатимизда ўн мингга яқин фуқаролар йиғинлари мавжуд бўлиб, улар илгари давлат ташкилотлари ваколатларига кирган 30 дан зиёд вазифаларни муваффақиятли бажариб келмоқда. Фуқаролар йиғинларида юз мингга яқин раис маслаҳатчилари иш олиб боради. Эътироф этиш керакки, уларнинг барчаси жамоатчилик асосида фаолият олиб бораётган, фидойий инсонлардир.

2014 йилнинг 14 май куни “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни қабул қилинди. Мазкур қонунда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунийликни мустаҳкамлаш каби масалалар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланган. “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуннинг 2-бобида ҳуқуқбузаликлар профилактикасини амалга оширувчи ва ушбу фаолиятда иштирок этувчи органлар ҳамда уларнинг ваколатлари аниқ белгилаб берилган.

Қонуннинг 21-моддасида фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасидаги иштироки назарда тутилган бўлиб, унинг бир банди сифатида ички ишлар органларининг профилактика бўйича тегишли инспектори билан



биргаликда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси фаолияти устидан назоратни амалга ошириш белгиланган. Кўриниб турибдики, янги конунда ҳам фуқаролар йиғинлари ҳамда ҳудудий профилактика инспекторларининг бу борадаги фаолияти, қолаверса, улар ўзаро ҳамкорлиги ниҳоятда муҳим эканлиги ўз ифодасини топган.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги вақтларда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, шунингдек уларнинг МТП профилактика инспекторлари билан битта бинода жойлашувини таъминлашга асосий эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги билан ҳамкорликда анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган “Намунали милиция таянч пункти” кўрик-танловлари доирасида маҳалла фуқаролар йиғинларида *“Энг обод ва осойишта маҳалла раиси”*, *“Фидойи маҳалла посбони”*, *“Маърифатпарвар маслаҳатчи”*, *“Адолатли яраштириш комиссияси”* кўрик-танловларининг ўтказиб борилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан милиция таянч пунктлари профилактика инспекторларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилапти.

Мухтарам Юртбошимизнинг “Соғлом бола тарбиясида маҳалла ва ижтимоий тузилмаларнинг катта ўрни ва таъсири борлиги ҳақида, ўйлайманки, ортиқча гапиришнинг ҳожати йўқ. Халқимизнинг “Бир болага етти маҳалла ҳам ота, ҳам она” деган мақолида албатта чуқур маъно мужассам. Шу нуқтаи назардан қараганда, маҳалла оқсоқоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, маҳалла посбонларининг жамиятимиз ҳаётида тинчлик ва осойишталик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик, хушёрлик ва огоҳлик муҳитини мустаҳкамлашдаги масъулияти янада ортади”, деган фикрлари ҳар бир маҳалла фуқаролар йиғини, ҳар бир

маҳалла фуқароси фаолияти учун ўзига хос дастуриламал бўлиши зарур.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон” НМИУ, 2014.
2. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш энг олий саодатдир. –Т.: “Ўзбекистон”, 2015.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. –Т.: “Маънавият”, 2008.
5. И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. – Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
6. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат.// Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. – “Халқ сўзи”, 2015 йил 6 декабрь.
7. М.Қуронов, Ш.Тўраев ва б. Мафқуравий ҳаётнинг долзарб мавзулари. Ўқув курси материаллари. – Т.: 2012.
8. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар. – Т.: “Маънавият”, 2006.
9. Ҳ.Бобоев, С.Ҳасанов. Берунийнинг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари.// “Ҳаёт ва қонун” журнали. 1996 йил, 3-сон.
10. Ҳ.Ҳомидов. “Шоҳнома”нинг шуҳрати. – Т.: “Ўзбекистон”, 1991.
11. Унсурулмаолий Кайковус. Қобуснома. – Т.: “Ўқитувчи”, 1986.
12. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёки ахлоқ. – Т.: “Ўқитувчи”, 1967.

13. М.Хайруллаев. Фаробий ва унинг фалсафий рисолалари. – Т.: “Фан”, 1963.

14. А.Маковельский. Авесто. Баку, 1960.

Интернет сайтлари:

15. **[www.lex.uz](http://www.lex.uz)**.

16. **[www.kitob.uz](http://www.kitob.uz)**

## М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
1-§. Халқимиз маданий меросида: оила – муқаддас кўрғон.....	6
2-§. Оилада маънавий-ахлоқий тарбия.....	22
3-§. Оилада инсонпарварлик тарбияси.....	33
4-§. Медиатахдидлар ва уларнинг олдини олиш.....	48
5-§. Соғлом оила – маҳалла фаровонлиги гарови.....	56
Фойдаланилган адабиётлар.....	67





